
БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 21 ноябрь Чоршанба
№ 222 (13.658). Баҳоси 3 тийин.

•ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ•



Ўзбекистон комсомоли: съездолди мунозараси

Бу сафар съездолди мунозарасига фақат вилоят комсомол қўмиталари биринчи котибларини таклиф қилдик.

Жумҳурият барча вилоятлари комсомол етакчилари нуқтаи назари, фикр-мулоҳазалари хилма-хил. Лекин бир хил мақсад-маслак йўлида хизмат қилаётган бу кишиларга бир хил саволлар билан мурожаат этдик.

1. Комсомол инқирозга учради деб ўйлайсизми?
2. Ўзбекистон ЛКЁИнинг Устави ва Ҳаракатномаси лойиҳалари билан танишиб чиққансиз. Янги лойиҳага фикрингиз қандай?
3. Сиз яқинда бўладиган жумҳурият комсомоли съездидан нималарни кутаяпсиз?
4. Мамлакатимиздаги кўп фирқалилик даврида комсомолни қандай тасаввур қиласиз?



Лепесбай ШЕРБОЕВ,
Қорақалпоғистон вилояти комсомол қўмитаси биринчи котиби:

1. У яшаяпти ва яшаши керак.

2. Устав лойиҳаси ҳақиқатан ҳам халқ ҳукмига шошилиб, пухта ишланмасдан ҳавола қилинди. Тили мужмал, ўқилиши қийин. Ёшлар учун қулай, таъсирчан, тушунарлироқ қилиб тайёрланиши зарур эди. Ҳаракатномада ҳам кўп мулоҳазалар умумий бўлиб қолган. Қуруқ гапга ким ҳам ишонарди.

3. Одамлар съездни интиқиб кутишяпти. «Комсомол тақдири қай томонга ҳал бўларкан». Уларни қизиқтираётган нарса шу. БЛКЁИ XXI съезди олдидан ҳам худди шу ҳолат юз берганди. Лекин айтарлик ўзгариш бўлмаганди.

Ушбу съездда бош масала — бу Ўзбекистон ЛКЁИни сақлаб қолиш. Асосий ишни, уч йўналишни белгилаб олиб, шуни охиригача етказайлик.

4. Кўп фирқалилик даврида комсомол қандай бўлиши бу биз комсомол ходимларига боғлиқ. Агар биз комсомол мавқеи, ҳақ-ҳуқуқи учун кураша олсак, қандай фирқа, ташкилот бўлмасин, тенг вазиятда яшайверади.

Муҳаббат САИДМУРОДОВА,
Қашқадарё вилояти комсомол қўмитаси биринчи котиби:



1. Йўқ, мен инқирозга учради деб айтолмайман. Яқинда бўладиган жумҳурият комсомолларининг съезди инқироз бошланай деб турган инқирозни олдини олса ажабмас. Комсомолнинг келажаги тақдири қандай бўлади. Айниқса, ҳозирги ижтимоий-сиёсий онгимизнинг энг баланд поғонага чиққан даврида уни сақлаб қолиш муаммоси ҳаммани қийнаяпти.

2. Устав ва Ҳаракатноманинг янги лойиҳалари билан танишиб чиқдик. Жойларда муҳокама этилаяпти. Тўлдирилмаган ўринларга таклифлар киритдик. Лекин жуда кенг ишланган учун чалкаш жойлари кўп. Қисқартириш керак. Ҳозиргина худди шу масалада узоқ тортишувлар бўлди. Халқ билан унинг ўз тилида гаплашмасак бўлмаслигини ҳалиям англаб етолмаяпмиз. Баландпарвоз, расмий гаплар билан энди ҳеч кимни ишонтиролмаймиз. Оддийгина, самимий, ҳамма тушунадиган қилиб ишланганида биз ютардик. Яна бир жиҳати, шу вақтгача биз Иттифоқда қабул қилинган Ҳаракатнома ва дастурдан андоза олардик. Буниси ўзимизники. Лекин баъзи ўринлар кўчириб олингандек ҳам ўхшаб қолган. Агар уларни қабул қиладиган бўлсак, билдирилган эътирозлар ҳисобга олиниши керак.

3. Бу саволга енгил-елпи жавоб бериш керакмас. Чуқур ўйлашга тўғри келади. Чунки шу съезд Ўзбекистон комсомолининг тақдирини ҳал қилади-да. Тўғри ран олиш керак. Ҳозир кўпчилик одамлар комсомолнинг келажагига шубҳа билан қарашяпти. Ноумид бўлмайлик. Яхши кунлар ҳали олдинда.

4. Мамлакатимизда мана кўп фирқалилик бошланяпти, бу — давр тақозоси. Тўғри, аввалига кўпчилик буни қабул қилолмади. Аста-секинлик билан кўникяпмиз. Ёшлар ташкилоти ҳам ўз ўрнини топиб олади.



Бахтиёр МЕНГЛИЕВ,
Хоразм вилояти комсомол қўмитаси биринчи котиби:

1. Тўғри, комсомол обрўсига путур етди, қаттиқ танқидга учрамоқда. Лекин бу инқирозга учради, деган гапмас.

Менимча, «инқирозга учраш» иборасини ҳозирча жумҳурият комсомолига нисбатан ишлатмай турайлик. Нега? Чунки бизда бирор ерда «Комсомол ташкилоти тарқатилибди ёки тугатилибди» йўсинидаги хабарни эшитмадик.

Масалан, шу кунгача бизнинг Хоразм вилоятининг ноҳияси бўлсин ёки корхона, бошланғич комсомол ташкилотларидами, бирор киши комсомол билетини ўз ихтиёрига биноан қўйиб кетмадими, аъзоликдан воз кечмади.

Шунингдек, вилоят комсомол ташкилоти ишламаяпти, ёшларни орқасидан эргаштиролмаяпти, уларнинг ишончини оқлолмаяпти, десак кўпам инсофдан бўлмас. Ёшлар ҳаётига доир комсомол ташаббуси билан хайрли, ибратли ишларидан гапирсангиз, жуда кўп мисоллар келтириш мумкин.

Шундай экан, комсомол яшашда давом этмоқда.

2. Устав ва Ҳаракатнома лойиҳаларини қуруқ, баландпарвоз, бир ёқлама юзаки гаплардан тозалаш керак.

Уларни кенгайтириш зарурки, ҳозирги аҳвол, вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир масала назардан четда қолмасин. Фикрлар аниқ, конкрет бир мақсадни кўзлаб айтилсин. Улар ёшларнинг асосий қонуни бўлиб қолиш учун мукаммал бўлсин.

3. Съезд муҳим аҳамиятга молик анжуман бўлиши даркор. Ҳозирги жараённинг талаби ҳам шу. Съездда комсомолнинг ҳаёт-мамот масалаларида бирдам туриш бурчимиз, деб биламан.

4. Комсомол бошидан кўп яхши, ёмон кунни кечирди, кўп долғали йиллар довонларидан ошди. У ҳам кўп ноҳақликларга учради, жабрланди, қурбонлар берди. Энди «Кўпга келган тўй» деганларидек, танқид, муаммовозлик уни ҳам четлаб ўтмаяпти, бу ҳақиқат.

Лекин кейинги йилларда пайдо бўлаётган ўзга ҳокимий, норасмий ташкилотлар ҳам узоқ йиллар навқирон, баркамол яшай олади, деб ким кафолат беради. Яхши, мунозара, рақобатлар сабаб янгилик сари қадам ташланади. Кўп фирқалилик балким бу йўлда комсомолга ёрдам берар. Лекин шуниси борки, ҳозир комсомолдан ташқари норасмий ташкилотлар фақат сиёсий, мафкуравий масалаларда ёшларга таъсир қилмоқда. Ёшлар ҳаётида ижтимоий, моддий муаммоларни ҳал қилишга фақатгина комсомол масъул бўлиб қолмоқда.

КОШКИ ФОЙДАСИ ТЕГСА

Жумҳуриятимиз комсомоллари тез кунлар ичида бўладиган муҳим воқеа-жумҳурият комсомолининг XXIV съездини зўр ҳаяжон билан кутмоқдалар. Унда қандай масалалар кўрилади? Ёшлар ташкилоти учун бирор фойдали гаплар бўладими? Авваллари бўлганидай қарорлар қабул қилиниб, амалий тадбирларга келганда сувга тушган тошдек йўқ бўлиб кетмасмикин?

Бундай саволлар кўплаб ёшларни, ҳатто катталарни қизиқтириши бежиз эмас. Зеро, бу съездда комсомолнинг келажаги ҳақида аниқ, бир тўхтамга келинган фикр билдирилиши зарур. Хусусан, мен съезддан жуда кўп нарсани кутаяпман. Шу ўринда таклифларим билан қатнашмоқчиман.

Комсомол етакчиларини кимлардан сайлаш ва қандай сайлашни ўйлаб кўриш керак. Шу кунгача комсомол котибиман, деб халқ мулкини совуриб келган етакчилар ёшларга, улар ташкилотига бирор наф келтирдими? Аксариятининг ишини таҳлил қилсангиз, номига ишлаётганликларининг гувоҳи бўласиз. Котибликка юқоридан эмас, қуйидан сайлаш лозим.

Ёшлар ташкилотига аъзо бўлишни хоҳловчиларга кашшофлар ташкилоти (агарда кашшоф бўлса) ёки ишчи бўлса, иш жойидаги ишчилар, комсомолларнинг йўлланмалари ёки тавсияномалари бўлсин. Тавсияномада номзоднинг барча хислатлари очиқ баён этилиб, билими, дунёқараши, ахлоқи, фаолияти ҳақида хабар берсин. Бу билан биз ёшлар ташкилотини боқибеғамлар-у, фаолияти суст аъзолардан тозалашга эришамиз.

Комсомолга рақобатчи ёшлар ташкилоти бўлишини тарафдориман. Бир-бири билан рақобат қилиб ишласа, ёшларни кўпроқ ғамини ейишга, уларнинг шароитлари, кўнгилли ҳордиқлари учун қайғуришга ўрганишар эди...

Шунақанги таклифлар. Булар орасида мунозарабоп ва эътирозли фикрлар ҳам бўлиши мумкин. Мен фақат шахсий фикримни билдириб, сизларнинг ҳам фикрларингизни билмоқчиман, холос.

Муроджон ТЎХТАНАЗАРОВ,
Андижон вилояти Избоскан ноҳияси «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалиги 3-бўлим ишчиси, БЛКЁИ аъзоси.

КОМСОМОЛ—«ОЧИҚ ЭШИКМИ»?

Ҳозир ҳамма комсомол тўғрисида фикр билдирмоқда. Яқинда ойнаи жаҳонда Фарғона шаҳар 10-мактаб ўқувчиларидан бирининг гаплари қулоғимга чалиниб қолди. У комсомолни ўзгартирмасдан туриб янада фаолроқ ишласак бўлмайдими, деганди. Мен бу фикрга қўшиламан. Лекин фаолроқ ишлаш учун нима қилиш керак! Ҳаммага маълумки, комсомолга мажбуран, у хоҳлайдими, хоҳламайдими қабул қилинаверилди. Бу ҳеч кимга сир эмас, албатта. Имтиҳон олишади, лекин номига. Бир ўйлаб кўрайлик-чи, комсомолга киришни истамаган болаларни қабул қилиб, қандай фаол иш олиб бориш мумкин! Менимча, ҳақиқий комсомол бўлишни истаганларни қабул қилиш керак. Ана шундагина, улар комсомол учун жон куйдиришади. 20—30-йилларда комсомолнинг обрўйи баланд эди. Ҳозир-чи... Комсомолнинг эшиги ҳар қандай кимсалар учун очиб қўйилди. Бунинг натижасини мана ҳозирги кунда ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Дилшод МАМАЖОНОВ,
Фарғона вилояти Ўзбекистон ноҳияси, Нурсух қишлоғи.

ТОШКЕНТ ДОРИЛФУНУНИНИНГ ТАЛАБАЛАРИ, ЎҚИТУВЧИЛАРИ, БУТУН ЖАМОАСИГА

Азиз ўртоқлар!

Тошкент Давлат дорилфунуни ташкил этилганлигига 70 йил тўлиши муносабати билан бу олий илмгоҳнинг муаллим ва профессорларини, талабаларини, каттадан-кичик барча ишчи-хизматчиларини чин кўнгилдан табриклайман. Бу санани нишонлашга келган азиз меҳмонларимизни ҳам муборакбод этаман.

Владимир Ильич Ленин номи билан аталган бу илм даргоҳи Туркистондаги янгича услуб ва йўналишдаги олий ўқув юртларининг илк қалдирғочидир. У ўз фаолиятида қадимий Ўрта Осиё ва жаҳон илмининг энг табаррук анъаналарини давом эттирмоқда ва бойитмоқда.

Оилада тўнғич фарзанднинг ўрни ҳам, масъулияти ҳам ўзгача бўлади. Не бахтки, Тошкент дорилфунуни ана шундай тақдирга мушарраф.

Жумҳуриятимиздаги ўнлаб илм масканлари ва олий ўқув юртлари бевосита шу дорилфунун полапонларидир. Уларнинг аксарияти ҳозирги кунда катта нуфузга эга. Шу маънода дорилфунун тўйи юртимиздаги барча ўқув юртларининг, борингки, бутун жумҳуриятимизнинг ҳам ўзига хос байрами десак янглишмаймиз.

Ўтган йиллар давомида дорилфунунда тарбия топган мутахассислар нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳамда бошқа жумҳуриятлар халқ хўжалиги, фан ва маданияти ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди ва қўшиб келаяпти. Кўпдан-кўп хорижий мамлакатларда ҳам бу дорилфунунда таҳсил олган дўстларимиз бор. 70 йиллик шонли сана уларнинг ҳам шодиёнасидир. Шу маънода дорилфунун дўстлик ва биродарликнинг ҳам ўзига хос масканидир.

Ҳар бир тўй-тантана кечаги кунга ҳамду санолар ўқишгина эмас, балки эртанги кун режаларини белгилаб олиш ҳам демакдир.

Тошкент дорилфунунининг талабалари, ўқитувчилари, ишчи ва хизматчилари олдида улкан, ғоят шарафли вазифалар турибди.

Жумҳуриятимиз сиёсий, иқтисодий мустақилликка дадил қадам қўяётган бир шароитда бу мустақиллик фан ва маданият ривожида, юқори малакали мутахассислар етиштиришда ҳам намоён бўлмоғи даркор. Умид қиламизки, мана шу мустақиллик пойдеворига дорилфунун аҳли ҳам тамал тошларини қўяжак.

Тошкент Давлат дорилфунуни жумҳуриятимизнинг маълум маънода илм-фан, маданият ва маориф соҳасидаги навқирон бугуни ва келажагини кўрсатувчи ўзига хос ойнадир. Бу ойна доим мусаффо бўлсин.

Сизларни, азиз дўстлар ва сизлар орқали дорилфунунни битириб чиқиб, эл-юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган барча ўртоқларни бу қутлуғ кун билан яна бир бор табриклайман, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, ғайрат-шижоат тилайман.

Барча яхши ниятларимиз бароридан келаверсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президенти И. КАРИМОВ.

КОСМОНАВТЛАР БОЙҚЎНҒИРГА КЕЛИШДИ

Звездний шаҳарчаси (Москва вилояти), 19 ноябрь. (ТАСС мухбири **В. Хрустов**). Ю. А. Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш марказининг раҳбарлари ва мутахассислари Совет—Япония парвозига тайёргарлик кўришни ниҳоясига етказган экипажларни бугун Бойқўнғир космодромига кузатдилар.

Полковник Виктор Афанасьев бошчилигидаги асосий экипажга борт инженер Муса Манаров билан «Ти-Би-Эс» телеэшиттириш корпорациясининг журналисти Тойехиро Акияма аъзо бўлиб кирдилар. Иккинчи экипажга подполковник Анатолий Арцебарский командир, Сергей Крикалев борт инженерлик қилади. Экипажнинг учинчи аъзоси, «Ти-Би-Эс» телеэшиттириш корпорациясининг вакили Риоко Кикутидир.

Космонавтлар шу куниёқ Бойқўнғирга келишди.

Совет — Япония экипажининг космосга учиши 2 декабрга белгиланган.

Шу сонгга хабар

ДИЛДАН МУЛОҚОТ

Куни кеча Сирдарё вилоят фирқа қўмитаси ёшлар билан гавжум бўлди. Бу ерда вилоят ёшларининг вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда комсомол ташкилотларининг етакчилари, Ўзбекистон комсомоли XXIV съездига сайланган делегатлар, фаол йигит-қизлар, ёшлар уюшмаларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Учрашувда ёшларни қизиқтираётган энг долзарб масалалар, турли муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар тўғрисида атрофлича фикр юритилди. Вилоят фирқа қўмитаси бюроси аъзолари, ижроия қўмита, турли идора ва ташкилотлар раҳбарлари сўзга чиқиб, ёшларни қизиқтираётган саволларга жавоб бердилар.

Учрашувда вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби, вилоят кенгаши раиси А. Айдарқулов қатнашди ва нутқ сўзлади. Дилдан мулоқот амалий тарзда ўтди.

ШАМОЛ ВА ҚУЁШ ОДАМЛАР ХИЗМАТИДА

«Улус» давлат хўжалигининг чўпонлари тақчил ва қимматбаҳо бензин ўрнига текин шамолдан фойдалана бошладилар. Бу ердаги яйловларда шамол қурилмаси бўлган иккита сув кўтаргич ишга туширилди.

Энергиянинг ноанъанавий манбаларидан фойдаланиш техникаси билан фаол шуғуллана бошлаган «Агроснабремонт» вилоят бирлашмаси мутахассислари ана шу мўъжаз шамол қурилмаларини ўрнатдилар. Дастлабки тажрибалар бундай қурилмалар фойдали эканлигини кўрсатди. 800 сўмдан сал ошиқроқ турадиган бу қурилмалар чўпонларга 30 йил хизмат қилиши мумкин. Ундан фойдаланиш осон, экологик жиҳатдан тоза. Шамол унча кучли бўлмаган вақтда ҳам ишлайдиган насоснинг қуввати энг чуқур қудуқлардан тоза сувни осонлик билан тортиб олиш имконини беради. Авваллари, сув тортадиган қурилмаларнинг бензини тугаб қолса, чўпонлар ўз отарларини суғориш учун узоқ-узоқ масофага боришларига тўғри келарди.

Ҳозир «Агроснабремонт» бирлашмасида яна бир неча насосни ўрнатиш, шунингдек, чорвачилик фермаларидаги сувни иситадиган, қуёш қурилмаларини ўрнатишга тайёргарлик кўришмоқда.

МУҲАРРИР ОЧЛИК ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Мана олти кундирки «Вологодский комсомолец» рўзномасининг муҳаррири, вилоят шўролари депутати Андрей Смолин ўз хизмат хонасида очлик эълон қилиб ётибди. У вилоят радиосига берган баёнотида «Рўзномага ВЛКСМ вилоят қўмитасининг монополияларча эгалик қилишига сўнгги бор қаршилик кўрсатиш ҳамда қўмитанинг сўнгги бюро мажлисида ҳақорат қилишганига норозилигимни ифода этиш учун очлик эълон қилишга мажбур бўлдим», деган.

Вилоят комсомол қўмитаси билан ёшлар рўзномаси ўртасидаги келишмовчиликнинг асосий сабаби, у ҳам бўлса «Вологодский комсомолец»га бир томонлама соҳибликка чек қўйишдир. Эндиликда вилоят ижроия қўмитаси ҳузуридаги оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш комиссияси матбуот ҳақидаги Қонунга мувофиқ «Вологодский комсомолец» рўзномасига иккита таъсис этувчини, яъни вилоят комсомол қўмитаси ҳамда рўзнома ижодий жамоасини тавсия этди.

Энди охирги сўз вилоят комсомол қўмитасида ва рўзномани рўйхатга олишда қолди. Ана шундан сўнггина муҳаррир очликни тўхтатиши мумкин.




Палов — тўйнинг суюкли таоми. Бирор хонадонда палов дамланибдими, ўша ерда тўкинлик бор, қут-барака бор. Байрам кунлари элга палов тортилса, тўкинликдан дарак беради. Гарчи ҳозир юртимиздаги тўкинлик билан мақтана олмасак-да, мана бу чувоқ чеҳраларни кўриб, ўшанга ишонгинг келади.

Тошкент Давлат дорилфунуни юбилейига атаб, катта дошқозонларда палов дамланди. Паловнинг хушбўй ҳиди ётоқхоналар томон таралиб, талабаларни катта дастурхон томон етаклади. Ҳар кимнинг насибаси қўшилса, дастурхон атрофида пайдо бўлади.

Ўйинга тўй бўлса — меҳмон ҳам, мезбон ҳам тўкин дастурхондан дили яйради. Дастурхонингдан қут-барака аримасин, фарзандларинг келажаги порлоқ бўлсин, дорилфунуним...

Е. БОТИРОВ суратлари.






ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ОДАМГИЁҲ

Тошкентда «Узманен» соғлиқни сақлаш Совет — Корея қўшма корхонаси ишлай бошлади. Магадан, Горький, Хабаровскда ҳам бу фирманинг бўлимлари бор. Фирма эгалари бу ерда соғломлаштириш муассасаларининг бутун бир тармоғини барпо этишмоқчи. Булар Шарқ табобатининг анъанавий усуллари (игна билан даволаш, шифобахш дори-дармонларни ва тетиклантирувчи ичимликлардан фойдаланиб уқалаш) қўлланиладиган касалхоналар ва поликлиникалардир. Ўзбекистон пойтахтига КХДЖдан ҳозирнинг ўзидаёқ ўн нафар шифокор келди. Булар орасида профессорлар, тиббиёт фанлари докторлари ва номзодлари бор. Декабрь ойининг бошларида улар Тошкент, Самарқанд ва Фарғонадаги фақат кундузи ишлайдиган касалхоналарда дастлабки беморларни қабул қилишади. Шифокорлар бу ерда ўстириш ниятида ўзлари билан бирга шифобахш гиёҳларнинг уруғларини олиб келишган. Шу мақсад учун маҳаллий маъмурлар Тошкент ва Самарқанд вилоятларида қарийб юз гектар ер ажратиб беришмоқда. Дори-дармонлар яқин вақт ичида ишга тушадиган фармакология заводида тайёрланади. Тошкент шаҳри яқинидаги жойларнинг бирида ҳозирнинг ўзидаёқ ишлаб чиқариш бинолари ажратилган. Бу биноларда Кореядан етказиб берилган ускуналар ўрнатила бошланди. Янги корхона йилига миллион сўмликдан кўпроқ 200 хил гиёҳни қайта ишлайди. Дорилар тайёрлашда асосан одамгиёҳдан фойдаланилади.

ДИЛДАН СУҲБАТ

САВОЛЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ

Уларга Ўзбекистон физкультура ва спорт давлат қўмитасининг раиси Обид Назирович НАЗИРОВ жавоб беради.



Ҳаётда инсон учун энг қимматли нарса нима? Бу саволга ҳар хил жавоб бўлиши мумкин. Лекин кўпчилик энг зарури сиҳат-саломатлик, тетиклик деб ҳисоблайди. Аслида ҳам шундай.

Йигирма миллион аҳолили жумҳуриятимизда неча киши спорт билан шуғулланади? Умуман Ўзбекистонимизда жисмоний тарбия ва спорт ишлари қай аҳволда? Сиз яшаётган, ўқиётган жойда физкультура ва спорт билан шуғулланиш учун шароит етарлими? Болалар ва ўсмирлар, ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун нималар қилиши зарур деб ўйлайсиз?

Тошкент Давлат жисмоний тарбия олий билимгоҳи ва Олимпия ўринбосарлари жумҳурият билим юртларига қабул қилиш тартиблари қандай? Кимларга қанақа имтиёзлар берилади? Бундай саволлар билан муштарийлар таҳририятимизга тез-тез мурожаат қилиб туришади.

Қадрли муштарийлар! Кўриб турибсизки, бу борада саволлар оз эмас. Уларга жавоб олиш, маслаҳатлашиш учун Тошкентга келиб кетишга ҳамма ҳам имкон, вақт топавермайди. Хўш, нима қилиш лозим? Ташвишланманг, «Ўзбекистон физкультурачиси» ва «Ёш ленинчи» рўзномалари мушкулингизни енгиллаштиради. Шу йил **23 ноябрь куни соат 15 дан 17 гача Ўзбекистон Физкультура ва спорт Давлат қўмитасининг раиси Обид Назирович Назиров билан муштарийлар ҳамда барча спорт ихлосмандларининг сим орқали мулоқоти бўлади.** Сиз ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олмоқчи бўлсангиз, қуйидаги телефон рақамлари орқали қўнғироқ қилишингиз мумкин:

32-55-84 ва 33-95-97.

* * *

Сим орқали мулоқотда қатнашиш имконияти бўлмаганлар ўз саволларини телеграмма орқали «Ўзбекистон физкультурачиси» ёки «Ёш ленинчи» рўзномалари таҳририятларига юборишлари мумкин.

Савол ва жавоблар, ўртага ташланган таклифлар рўзномаларимизда ёритилади.

СЎНГГИ ЛАҲЗА ИШОНЧИ

САМАРҚАНД ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ РЕКТОРИ, ПРОФЕССОР НУРИДДИН МИРЗАЕВИЧ КАМОЛОВ БИЛАН МУСОҲАБА

— Нуриддин Мирзаевич, билимгоҳларингиз ўзининг 60 йиллигини нишонлаяпти. Умрингизнинг 40 йилдан кўпроғи шу даргоҳда ўтган. Шунинг учун билимгоҳ тарихини сиздан эшитишнинг ҳам ўзига хос рамзий маъноси бор.

— Менимча, шу даргоҳни битирган ҳар бир шифокор ўз умрини бу ер билан боғлаша қолади. Тиббиёт билимгоҳимиз 1930 йилда ташкил этилган. Ўшанда Самарқанд шаҳри жумҳурият пойтахти эди. Ҳозирги Тошкент Давлат тиббиёт билимгоҳи Ўрта Осиё дорилфунунининг куллиёти бўлганлиги учун бизнинг билимгоҳ Ўзбекистон давлат тиббиёт билимгоҳи дейилган. Албатта ўшанда олий маълумот олишни истовчилар кам бўлган. Чунки шароит ёмон эди. Халқ Комиссарлари Кенгашининг раиси Файзулла Хўжаев ташаббуси билан қурилган касалхона билимгоҳнинг асосий базаси бўлган. Мутахассисларнинг камлиги, шароитнинг оғирлиги ва кераклик жиҳозларнинг йўқлиги учун 1932 йилда тиббиёт билимгоҳи билан педагогика академияси бирлаштирилиб, Ўзбекистон Давлат академияси тузилган. Тиббиёт билимгоҳи бу академияга куллиёт бўлиб қўшилган. Орадан уч йил ўтган. Безгак, тиф, ҳар хил юқумли касалликларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги сабабли 1935 йилда яна тиббиёт билимгоҳи ташкил топди. Уруш йиллари Самарқандга Москва, Ленинграддан билимгоҳлар кўчириб келтирилди. Иттифоқда ягона бўлган ҳарбий тиббиёт академияси ҳам келтирилган ва билимгоҳимизда фаолият кўрсатган. Академиянинг кучли профессорлари таълимимиз ҳам олишган. Уруш йиллари Самарқандда кўзга кўринган бинолар ҳамма ҳарбий шифохоналарга айлантирилган эди.

1962 йилгача билимгоҳимизда фақат даволаш куллиёти фаолият кўрсатган бўлса, кейинчалик болалар шифокорлари тайёрланадиган куллиёт ва шифокорлар малакасини ошириш куллиёти ҳам тузилди. Ўрта медицина ходимларига бўлган кучли талаб натижасида билимгоҳ қошида тиббиёт билим юрти ҳам ташкил этилди. Илмий ишларни ривожлантириш учун марказий лаборатория ишга тушди. 1978 йили 850 беморга мўлжалланган 2-клиника ишга туширилди. Яқингинада фойдаланишга топширилган кўп йўналишли болалар шифохонаси ҳам билимгоҳ базасини кенгайтирди.

Тиббиёт билимгоҳидан бошқа билимгоҳларда ўқиётганлар бир нарсани кўз олдиларига келтира олишмайди. Тиббиёт билимгоҳи жуда тарқоқ жойлашган. Чунки тиббиёт билимгоҳи бор шаҳарлардаги мавжуд шифохоналар билимгоҳ ўқув базаси ҳисобланади. Ҳар бир шифохонада битта кафедра бор. Шунинг учун тиббиёт билимгоҳи талабаларининг бўш вақтлари фақат йўлда ўтади.

— Сиз билимгоҳ келажагини қандай қиёфада кўришни истайсиз? Умуман, 60 йиллигини нишонлаётган билимгоҳга қандай муаммолар бор?

— Ютуқлар ҳар доим биз билан. Муаммоларни эса ҳал этиш зарур. Табобат мукаммаллигини ўстиради, 60 йиллигини нишонлаётган билимгоҳда етишмовчиликлар жуда кўп. Аксарият шифохоналар аслида касалхона учун мўлжаллаб қурилмаган бинода жойлашган. Улар ҳозирги кун талабига жавоб бермайди.

Дунё табобати жуда ривожланиб кетган. Бизда касалхоналар замонавий жиҳозлар билан таъминланмаган. Талабалар ҳам дунё табобати билан яқиндан танишишлари лозим. Бизда эса улар жуда кам миқдорда. Касалхоналар замонавий табобат асбоблари билан тўлиқ жиҳозланмаганлиги учун даволаш ишларида яхши натижалар кам.

— Йил сайин шифокорлар кўпайиб бормоқда. Касаллик ҳам. Янги-янги турлари пайдо бўлмоқда. Афсуски, кўп ҳолларда касаллик шифокорлар билимидан устунлик қилмоқда. Бунга фақат атроф-муҳитнинг зарарланганлигини сабаб қилиб келтириш тўғрими?

— Атроф-муҳитнинг кимёвий воситалар таъсирида зарарланганлиги ҳам бунга сабаб бўлмоқда. Лекин сабабни яна бошқа ёқдан қидириш ўринли бўлади. Малакали шифокорлар жуда кам етишмаётганлиги. Бунинг сабабини — маълум маънода, юқорида айтиб ўтдим. Масаланинг яна бир томони бор. Бу — талаба танлаш. Табобатда талаба танлаш — ўткир мутахассис тайёрлашнинг асосий шартларидан бири деб биламан. Бу борада ҳали биз ҳеч нима қилолганимиз йўқ. Олий маълумот олишни истовчилар ҳаммаси ҳам шифокор бўлавермайди. Ҳужжат топширганларнинг кўпчилиги билан суҳбатлашсангиз, табобат ҳақида тушунчаси йўқ. Лекин улар талаба бўлишади. Она, кимё, биология, она тилидан имтиҳон топшириш олади. Ахир бу кўрсаткич билимгоҳга кириши учун, лекин шифокор бўлиши учун эмас. Бу борада бизларга мактаблар ёрдам бериши керак. Ўн йил мобайнида боланинг нимага қобилияти борлиги маълум бўлади. Бизларга эса талаба танлашга 20 кун вақт берилади, 20 кун билан 10 йил орасида қанча фарқ бор.

Касалликнинг шифокор устидан ғолиб келишига сабаблардан яна бири — шифокорнинг ўз устида ишламаслиги, изланмаслиги, билимини ошириб бормаслиги. Шифокорларнинг малакасини ошириш ҳам муаммо. Қоида бўйича ҳар бир шифокор ҳар беш йилда малакасини ошириши керак. Лекин бизда шифокорларда табобатдаги янгиликларга, замонавий табобатга қизиқиш кам. Албатта бунинг баъзи сабаблари бор. Аёллар боласи, эркаклар рўзғор ташвишлари билан малака оширишни хоҳламайдилар. Бора олишмайди. Аммо уларнинг оилавий шароитлари учун беморлар гуноҳкор эмас-ку. Бизда шундай ибора бор. «Агар шифокор беш йил ичида малакасини оширмаса, у фельдшер қиёфасига кириб қолади».

Биз Самарқанд вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби П. Абдураҳмонов ва профессор С. Ориповлар билан биргаликда битта масалани кўтаряпмиз. Бу — Самарқандда шифокорлар малакасини ошириш билимгоҳи ташкил этиш масаласидир. Чунки бугунги кунда жумҳуриятимизда 70 минг шифокор бор. Мавжуд шифокорлар малакасини ошириш билимгоҳи ва куллиётларида ҳар йили 5-6 минг шифокор ўз малакасини оширмоқда. Бироқ мавжуд шифокорлар сонига кўра ҳар йили 12 минг шифокор малакасини ошириш керак. Тўғри, Москва, Киев Ленинградда ҳам билимгоҳлар бор. Лекин у ёқларга ҳам ҳар бир шифокор бораверолмайди. Қолаверса, янги йилдан кейин у ерда ҳам пул тўлаша тўғри келади.

— Мен шифокорларнинг малакасизлигига сабабни бир оз бошқа томондан қидираман. Тиббиёт билимгоҳларида талабалар олтинчи курсдан кейингина мутахассислик чуқур ўрганилади. То бу курсгача таълим бир хил йўналишда бўлади.

— Тўғри, Ҳозир Иттифоқда шифокорлар тайёрлаш режаси қайта тузиляпти. Биз 5 йил мобайнида табобат бўйича ҳамма фанларни ўтиб бўламиз. Талабалар олтинчи курсда мутахассисликка бўлинади. Еттинчи йили истаган мутахассислиги бўйича катта касалхоналарда ишлашади ва имтиҳон топширишади. Шундан кейин уларга гувоҳнома берилади. Яъни жарроҳ, даволовчи, асаб, кўз доктори каби. Бу таълим жараёни бугунги кунда Самарқанд, Куйбишев, Киев тиббиёт билимгоҳларида янги режа бўйича 9 йилга чўзилади. 5 йилдан кейин «шифокор ёрдамчиси» гувоҳномаси берилади. 6-7 курсларда ўз мутахассислиги бўйича ҳам ўқийди, ҳам ишлайди. 8-9 йилларни замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган касалхоналарда ишлайди. Ўша касалхонада шифокор комиссиясининг хулосасига кўра, унга шифокор бўлиш мумкин ё мумкин эмас деган ишонч билдирилади.

Яна бир таклиф бўляптики, унда ўқиш муддати 11 йилга чўзилади. Билимгоҳга табобат билим юртини битирганларни қабул қилиш. Албатта 11 йил кўп. Инсон умри шусиз ҳам ўлчанган. Лекин ҳақиқий шифокор бўлиш учун, сўнгги дақиқалар ишончини оқлаш учун бу ҳам кам. Одам ҳаётини сақлаб қолиш учун ўн бир йил ҳам кам.

— Нима учун ана шундай тажрибаларни Самарқандда бошлаш мумкин эмас. Биз нима бўлса марказдан кўрсатма келишига кўникиб қолганмиз.

— Бу тажрибани Самарқандда бошлашга имконият йўл қўймайди. Бизнинг имкониятларимиз 7 йилга мўлжалланган. Барибир юқоридан ёрдам олишга тўғри келади. Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бундай тажрибаларни давлат миқёсида бирдан бошлаш қийин. Мутахассислар, шифохоналар керак бўлади. Ўқув йилининг, лекциялар соатини ошириш билан табобатни ўргатиб бўлмайди. Шунинг учун Куйбишев тиббиёт билимгоҳида тажриба кетяпти. Агар бу тажриба ўзини оқласа — бошқа билимгоҳларда ҳам қўлланилади.

— Тўғри, неча йиллар аввал тузилган ўқув режаларидан воз кечиш балки қийиндир. Лекин биз тан олишимиз керак. Малакали, билимли, тажрибали шифокорлар камайиб кетяпти. Рўзномамиз таҳририятига шифокорлар устидан арз қилинган жуда кўп шикоят мактублари келади. Афсуски, кўп ҳолларда улар ҳақ бўлиб чиқишади.

— Тўғри. Бизда мутахассислик савияси ўта паст. Чунки биз нима кўп бўлса ҳам шифокорлар сонини кўпайтиришга ўтиб олган эдик. Шифокор кўпайгани билан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланаётгани йўқ. Ўтган йили жумҳуриятимиздан 1792 талаба Украина, РСФСРга юборилди. Бу йил 910 талаба жўнатилди. Буларнинг ҳаммаси шифокорлар сонини ошириш мақсадида. Совет Иттифоқида ҳар 10 минг аҳолига 43, Ўзбекистонда 32, Японияда 20 шифокор тўғри келади. Аҳоли ўртача умр кўриш 68-70. Японияда 80 га яқинлашиб қолди. Дунёдаги шифокорларнинг ҳар тўртинчиси Совет Иттифоқида. Демак, соғлиқни сақлаш, кўп умр кўриш фақат шифокорларга боғлиқ эмас экан-да.

Биз оддий нарсага эътибор бермаймиз. Америка, Япония, Франция — ривожланган мамлакатларда ўрта табобат ходими тайёрлашга жуда катта эътибор беришади. Америкада табобат ҳамширалари учун ўқиш муддати 4 йил. Бизда икки йил. Уларда ҳар бир шифокорга 16-19, бизда ҳар бир шифокорга 3-4 нафардан ҳамшира тўғри келади. Бизлар оддий муолажани билмаймиз, шифокорлар ҳамширалар бажарадиган юмушлар билан машғул бўлишади. Шунча пул сарфлаб биз шифокор тайёрлаймиз, лекин улардан фойдаланишда нўноқмиз.

— Нуриддин Мирзаевич, неча йиллардан бери унутилиб келинаётган даволашнинг қадимий тури — халқ табобатига кенг йўл очилди. Замонавий шифокорлар билан халқ табобати усталари ўртасида қай маънода рақобат бўлиши мумкин! Сизнинг халқ табобатига муносабатингиз қандай!

— Ўзини англаган замонавий шифокор халқ табобати усталари билан рақобат қилмаслиги керак. Шифокорлар табиб, ҳакимларга салбий муносабатда бўлишган. Халқ табобатини тан олмаган. Бу қараш билан яна бир хатога йўл қўйганмиз. Шу соҳада ишлаётган дўстларимиз бизнинг кўзимизни очди. Халқ табобатининг фойдали томонлари кўп. Улар инсоннинг ўз кучига таянишади. Касалликка фақат кимёвий таъсир чоралари билан эмас, организмдаги — ўзидаги бор куч билан курашишади. Менинг таклифим. Халқ табобатини билимгоҳларда ўқитиш керак. Қанча тез бўлса, шунча яхши бўлади. Жумҳурият экстрасенслар уюшмасининг раисига, Корея Халқ Демократик Жумҳурияти Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосарига бу борада махсус программа тузайлик, деб таклиф қилдим. Улар олдимга келишган эди. Билимгоҳимиздаги қизиқувчи ўқитувчиларга халқ табобати усталари билан яқин алоқа боғлашларини, улар иштирокида билимгоҳларда ўқитиладиган программа тузишни таклиф қилдим.

— Жумҳуриятимизда кўплаб касалхоналар мавжуд. Бу касалхоналарнинг ҳар бирида бош шифокорлик лавозими бор. Бу лавозим эгалари раҳбарлик туфайли даволаш ишларидан четланиб қолишган. Бу жуда кўплаб тажрибали билимли шифокорларни йўқотиш дегани эмасми!

— Аслида бош шифокорлар сиз ўйлаганчалик, тажрибали, билимли, малакали шифокорлар ичидан сайлаб олиниши керак. Лекин бизда аҳвол бошқача. Мен фикримни узоқроқдан бошламоқчиман. Бугунги кунда Иттифоқда 3 миллион касаллик ўрни бор. Шунинг 1 миллиони ҳозирги замонавий талабга жавоб беради. 1 миллионини қайта таъмирлаш, қолган 1 миллионини умуман йўқотиш керак. Йўқотилиши керак бўлган бир миллион ўринли касалхоналарни касалхона деб бўлмайди. Уларда шароитлар етарли эмас, баъзиларида газ йўқ, канализация қилинмаган. Бинолар таъмирлашга муҳтож. У кам, бу кам. Шунинг учун бош шифокорларни хўжалик ишларини ҳам яхши биладиганлардан қўйишга тўғри келади. Чет элларда бош шифокорлар энг малакали шифокор ҳисобланади. Бизда эса, мени бош шифокорлар кечиришсинлар-у, хўжалик ишларини яхши биладиганлар. Касалхоналар бўйича янги қоида ишлаб чиқиляпти. Унда бош шифокорлар шифокор бўлиши шарт эмас. Ёрдамчилари даволаш ишларини яхши билса бўлди. Авваллари шундай бўлган. Лекин аслини олиб қараганда, бош шифокор қўл остидаги шифокорлардан ҳамма томондан устун бўлиши керак.

— Унда билимгоҳларда бош шифокорлар тайёрлайдиган куллиёт очса бўлмайдими!

— Балки келажакда шундай бўлар. Москвада врач-биохимик, врач-биофизик, врач-кибернетик куллиётлари бор. Менга қолса, санитар шифокорлардан бош шифокорлар тайёрлашса яхши бўлади. Даволаш куллиётини битирганлардан маъмурий ишларда фойдаланиш яхши эмас. Уларни тайёрлаш учун қанча меҳнат, билим, маблағ сарф бўлган. Албатта, бу баҳсли ҳол.

— Нуриддин Мирзаевич, билимгоҳда кўплаб фан номзодлари ва докторлари бор. Бу номларга эга бўлиш — янгилик кашф этиш билан тенг бўлиши керак. Билимгоҳдаги бу номларга эга бўлганлар қайси касалликларни инсоният организмидан бутунлай фориғ этдилар!

— Ҳар бир диссертация билан бирор касаллик йўқ бўлиб кетаверса, ер юзида бирорта ҳам касаллик қолмаган бўлар эди. Лекин бу саволда чуқур ўйланган маъно бор. Тўғри, баъзи диссертациялар фақат ўша киши учунгина хизмат қилган ҳоллар ҳам бўлган. Безгак касаллигини йўқотишда Л. Исаев илмий иш олиб борган ва бунга эришган. «Ришта» касаллигини бутунлай йўқотган. Профессор Николай Александрович Мирзоян «ички лейшманиоз» касаллигига диагноз қўйиш ва уни даволаш усулини ишлаб чиққан. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Бугунги кун талабалари сизни бўлғуси шифокор сифатида қониқтирадими!

— Бу саволга жавоб бериш минглаб талабаларга баҳо бериш демакдир. Яхши баҳога ўқийдиган талабадан яхши шифокор чиқмаслиги мумкин. Ўртача ўзлаштирувчи талаба зўр шифокор бўлиши мумкин. Демак, бўлғуси шифокор талабалар ўз номларини оқлашсин.

— Шифокор бошқа касб эгаларидан қайси жиҳатлари билан ажралиб туришини истайсиз!

— Аввало раҳмдил бўлсин. Дард чекаётганларга ачинмаган талабадан ҳеч қачон шифокор чиқмайди. Шифокор фақат даволовчигина эмас, психолог ҳам бўлиши керак.

— Қандай ўйлайсиз — сиз учун шифокорлик азизми ё ректорлик!

— Биласизми, билимгоҳни имтиёзли диплом билан битирганимдан кейин мени доришунослик бўйича аспирантурага қолдиришди. Лекин мен доришунос бўлолмас эдим. Даволашни яхши кўрардим. Шунинг учун аспирантурада бир кун ўқиганман, холос. Кейинчалик ички касалликлар бўйича қайтадан аспирантурага келдим. Ички касалликлар бўйича жумҳуриятда биринчи бўлиб талабалар учун ўзбек тилида дарслик ёздим. Бу дарслик 1991 йилда ўзбек тилида босмадан чиқади. Ҳозир ҳам даволаш ишларидан ажралиб қолган эмасман.

— Бир жафокаш шифокор айтган эди. «Шифокор бўлишни истаган киши шу «дард» билан оғриши керак. Шундай оғрисинки, то умрининг охиригача тузалмасин» деб. Сиз бу фикрга нима дейсиз!

— Ўша шифокор жуда ажойиб ибора айтган экан. Ҳақиқатан, ҳақиқий шифокорда ана шундай «дард» бўлмоғи керак. Истардимки, билимгоҳимизда таълим олаётганларнинг ҳаммаси ўша «дард»дан бенасиб қолмасин. Ана ўшанда инсонлар энг сўнгги дақиқаларда улардан мадад кутишади. Ҳаётининг давомини уларда кўришади. Буни англамоқ, шифокор номини оқламоқлик билан тенг.

— Нуриддин Мирзаевич, мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Яхши кунда тилаган яхши ниятларингизнинг ҳаммаси амалга ошишига тилакдошмиз.

Суҳбатдош:

Гули ЧЕҲРА,
«Ёш ленинчи» ўз мухбири.



Ўн-ўн беш кун илгари одампарром бўлган далалар ҳуп-ҳуйрон. Она замин кўксидаги «поёндоз» — ғўзапоялардан халос бўлганига шукур қилади. Пахта машиналарининг чинқириғи, деҳқоннинг ҳай-ҳуйидан чарчаган далалар ҳордиққа бош қўйди. Баъзи жойларда у беланчакдаги гўдакдек тин сақлайди. Айрим майдонлар эса кимёнинг дастидан зор-зор йиғлайди. Ороми бузилган.

Қашқадарё вилоятининг Ульянов ноҳиясидаги «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» давлат хўжалиги бригадири Ҳамроқул Азимов ҳам ўз ихтиёридаги заминнинг безовта ёки оромдалигини билиш ниятида пайкалга чиқди...

К. РАИМҚУЛОВ суратга олган.

Хушхабарлар

● БАҒДОД ноҳиясидаги «Победа» жамоа хўжалиги ҳудудида катта универсал дўкон ўз эшикларини очди. Янги савдо дўкони Бағдод ноҳия марказини Қўқон билан боғлайдиган серқатнов автомобиль йўлида жойлашган. Бир қанча савдо залларида озиқ-овқат ва саноат моллари сотиш бўлимлари жойлашди. Дўкон ёнидаги кафеда оз пул сарфлаб, мазали таомларни истеъмол қилиш мумкин.

● ОЛИЙ ўқув юртини битиргандан кейин Ленинскдаги 6-авторемонт заводига ишга келадиган тўрт нафар бўлажак автомобилчи инженер корхонадан оширилган стипендия ола бошлади. Завод маъмурияти ва меҳнат жамоаси кенгаши шундай қарор қабул қилди. Ушбу корхона цехларида практикадан ўтган бўлажак мутахассислар тақсимот пайтида Ленинскка келиб ишлашга қарор қилдилар.

Тўла хўжалик ҳисобида ишлаётган андижонлик авторемонтчилар барқарор фойда ола бошладилар. Бу фойданинг бир қисми ишлаб чиқаришни янгилашга, жамоани моддий рағбатлантиришга сарфланмоқда. Завод ўз оталиғидаги мактабга анча маблағ ўтказмоқда — аълочи ўқувчиларга ҳар ойда 25 сўм пул тўламоқда.

● ГЕРМАНИЯДАГИ «Шисс» фирмасида тайёрланган янги ускуна Чирчиқдаги «Ўзбекхиммаш» заводи маҳсулотининг рақобатдошлигини оширишга ёрдам беради. Корхона цехларида ана шу ускуна ўрнатиб бўлинди. Аниқ ишлайдиган қудратли дастгоҳларда мамлакатда ва чет элларда харидоргир бўлган бир қанча турдаги компрессорлар учун деталлар тайёрлана бошланди.

● ХОРАЗМ вилояти йўл қурувчилари янги автомобиль йўлини «аъло» баҳога топширдилар. Йўл Хонқа ноҳия марказини Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл шаҳри билан боғлади. Хонқа йўл қурилиш участкаси жамоаси Хоразм вилоятидаги энг яхши жамоалардан ҳисобланади. Икки йилдан буён у тўла хўжалик ҳисобида ишламоқда. Бу ерда олинган фойда ҳисобига замонавий техника сотиб олишди. У меҳнат унумдорлигини кескин оширибгина қолмай, шу билан бирга ётқизиладиган асфальт сифатини анча яхшилаш имконини берди.

● АНГРЕН кўмир кони кончилари қўрғонида ёшлар маркази иш бошлади. Ёш ишчилар унинг ташкилотчилари бўлишди. Ёшларнинг дам олишини ташкил этиш, туристик саёҳатларни ўтказиш марказнинг бош вазифасидир. Бозор иқтисодиёти шароитида маъмуриятга молиявий жиҳатдан тобе бўлмаслик учун марказ тижорат фаолияти, жумладан, савдо-харид операциялари билан шуғулланиш ниятидадир.

(УзТАГ).

Ҳарбий қисмлар ҳаётидан

«...БИЗЛАР қаерда хизмат қилсак, бизга инсонларча муносабатда бўлишиб, яшаш учун шароит яратиб беришса. Мана, бу ерга ҳарбий хизматга келган йигитларнинг 50 фоизи касал бўлмоқда. Бу мусофир юртга келган ёшларга унинг ҳавоси ёқмаяпти. Натижада уларнинг бирон ерига оддий бир чўп тегиб, шилинса ҳам, у катталашиб, ярага айланмоқда. Сўнгра уни санбатда кесишга тўғри келмоқда. Баъзи бир болалар чурра тушиш касали билан келишган. Уларга ўзларининг ҳарбий комиссариатидаги врачлар томонидан тўғри кўрсатма берилмаган. Эндиликда йигитлар бу касаллик билан на югура олишади, на спорт билан шуғуллана олишади. Охири бориб шу ерда операция қилдиришга мажбур бўлишяпти. Операциядан кейин икки-уч кун ўтгач, йигитларни ўринларидан туришга мажбур қилишади. Натижада битмаган яра билан нарядга боришади. Яна уч-тўрт кун ўтар-ўтмас қайтадан операция қилинадилар.

Бизнинг Ўзбекистонда чурра тушиш касаллиги билан оғриган кишилар етти-ўн кунда соғайиб кетишса-ю, шундай улуғ Белоруссияда яхши даволай оладиган шифокорлар топилмаса.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, ахир икки йил ҳам ўтиб кетар. Лекин икки йил хизмат қиламан деб, бир умрга ногирон, касалманд бўлиб қолишни истамаймиз. Бизнинг Сиздан бирдан-бир илтимосимиз, бизнинг олдимизга шу ишга тегишли кишилардан жўнатсангиз. Улар ўз кўзлари билан кўриб, хулоса чиқарсалар. Майли бизлар ҳарбий ўқув машғулотларини шу ерда ўтказсак-да, ҳақиқий хизмат даврини Ўзбекистонда (қандай батальонлардан қатъи назар) давом эттирсак...»

ЭТИК БИЛАН СУВ КЕЧАЁТГАН ЙИГИТЛАР

Ушбу сатрлар қардош Белоруссия тупроғида хизмат бурчини ўтаётган ўзбекистонлик бир гуруҳ аскарларнинг жумҳуриятимиз Президенти номига ёзган хатидан таҳрирсиз келтирилди.

Мактубни ўқир эканмиз чуқур ўйга толдик... Бизда ҳарбий қисмга сафар қилиш, хат муаллифлари билан учрашиб, суҳбатлашиш истаги туғилди.

Биз тўрт кун мобайнида Белоруссия ҳарбий округининг қисм ва бўлинмаларида бўлдик. Командирлар ҳамда сиёсий бўлимларнинг бошлиқлари, хат ёзган йигитлар билан кўришдик, суҳбатлашдик.

Биз хат муаллифларидан бири, оддий аскар Баҳодир Эргашев билан тиббиёт қисмида учрашдик. У шу ерда шифо топаётган экан.

— **Баҳодир, Президентимиз номига мактуб йўллабсиз. Мана ўша сизлар ёзган хат,** — деб қўлимиздаги ҳужжатни унга кўрсатдик.

У хатга бироз тикилиб тургач:

— Ҳа, бу хатни бизлар ёзганмиз, — деди хотиржамлик билан.

— Ҳарбий хизматни ўтаётганингизга қанча бўлди?

— Олти ойдан ошди. Ўзим асли андижонликман. Армиягача Чирчиқда институтда таҳсил кўрар эдим.

— Баҳодир, ҳозир бу ерда нима касал билан ётибсиз?

— Чурра тушиш касали билан ётибман. Мен шу касал билан армияга чақирилганман.

— Касалингиз бўлса ҳам олишибди-да.

— Ҳа, олишди. Вилоят ҳарбий комиссариатида бўлган тиббиёт кўригида врач-хирург менда чурра тушиш касали бор эканлигини аниқлади. Шундан кейин у мени операция қилишни таклиф этди. Лекин Чирчиқ шаҳар ҳарбий комиссариатининг қайта ўтказилган тиббий кўрик комиссиясида мени ҳарбий қурилиш қисмида хизмат муддатини ўташ учун лойиқ деб топишди. Кейин, эса армияга чақирилдим. Лекин аввал айтганларидек, мени қурилиш қисмига эмас, сафдаги қисмга жўнатишди.

— Операцияни Чирчиқда эмас, шу ерда қилишибди-да.

— Ҳа, икки марта операция бўлдим.

— Ҳозир ўзингизни қандай ҳис қилмоқдасиз?

— Ҳар ҳолда яхши ҳис қилмаяпман. Операциядан кейин ҳаммаёғим, айниқса, қорним оғрияпти. Яранинг ўрни сира ҳам битмаяпти. Бунга бу ернинг иқлим шароити ҳам таъсир қилаётган бўлса керак. Бунинг устига сира қувватим йўқ. Мен хизматимни Ўзбекистонда давом эттиришни сўрайман.

Касаллик Баҳодирга ўз таъсирини ўтказган эди. Унинг юзи салқиган, азоб тортгани шундоққина кўзидан ҳам билиниб турибди.

Ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар билан суҳбатларда юқоридагига ўхшаш фактлар бошқа комиссариатлар фаолиятида ҳам борлиги аниқланди. Соғлиги ёмонлашганлиги туфайли оддий аскар Х. Исматов ҳам ҳарбий хизматни ўташни Ўзбекистон ССЖ ҳудудига кўчиришни сўраб мурожаат қилди. Унинг бошидаги сочи тўкила бошлаган эди.

Оддий аскар Бахтиёр Алихўжаев армияга Тошкент вилоятининг Чиноз ноҳиясидан чақирилган. Хизмат қилаётганига уч ойдан ошган.

— Бу ерга дастлабки келган кунимоқ ўнг оёғим ўзидан-ўзи шишиб кетди, — деб гап бошлади Бахтиёр. — Ҳайрон бўлдим. Чунки оёғим ҳеч қачон бунақа бўлмаган эди. Кейин этигимга сиғмади. Юролмай қолдим.

— Врачга мурожаат қилмадингизми?

— Қилдим, албатта. Аввалига тиббиёт пунктига бордим. Қарашмади. Тиббиёт қисмига ҳаттоки уч-тўрт марталаб мурожаат этган кунларим ҳам бўлди. Лекин у ерда ҳам менга яхши эътибор беришмади. Кейин санбатга бордим. Бу ерда менга қарадилар. Бир ҳафта ётиб даволандим.

— Ҳозир оёғингиз тузукми?

— Ҳа, яхши. Ўзимни анча дуруст ҳис этаяпман.

Ҳамюртларимиз билан бўлган ана шундай суҳбатлардан кейин биз қисм тиббиёт хизматининг бошлиғи, майор А. В. Романов билан учрашдик.

— Аҳвол анча мураккаб. Касаллар сони тобора кўпаймоқда, — дейди биз билан суҳбатда Александр Викторович. — Бу, айниқса, сўнгги беш йил ичида анча авж олди. Беморни ўз вақтида яхши даволай олмаяпмиз. Бунга сабаб шароитнинг ёмонлигидир. Касалларни даволайдиган хоналар кичкина. Улар шу куннинг талабига сира жавоб бермайди. Тиббиёт таъминотини айтмайсизми. У ёмон даражада. Даволаш ишларига ажратилаётган маблағ етарли эмас. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, бундай шароитда касалларни кўнгилдагидек тузатиш мумкинми? Мумкин эмас, албатта.

— Аскарлар орасида касаллиги туфайли хизмат жойидан бўшатилганлари борми?

— Ҳа, бор. Шу йилнинг ўзидаёқ касаллиги туфайли бир қанча йигит ҳарбий хизматдан бўшатилди. Улар, афсуски, армия хизматига соғлиги тўғри келмаса-да, чақирилаверишган. Ҳозирда бизда 19 йигитдан 5 нафарининг соғлиги қайтадан текширилмоқда. 5 нафар аскар эса даволанаётир. Агарда уларнинг касали давом этса, йигитларни хизмат жойидан бўшатишга тўғри келади.

— Шуларнинг ичида ўзбекистонлик йигитлардан ҳам борми?

— Бор. Оддий аскар Баҳром Ҳасановни олайлик. У қисмга шу йилнинг 24 июлида келган. Ўзи Наманган шаҳридан. Бу йигит болалигиданоқ касалга чалинган экан. Чақириқ вақтида Б. Ҳасанов ҳарбий хизматга лойиқ деб топилган. Биз бир ойдан ортиқ вақт ўша ҳарбий комиссариатдан жавоб кутдик. Аммо ҳеч қандай жавоб бўлмади.

Шундан кейин биз ўзбекистонлик йигитлар хизмат қилаётган қисмда бўлдик. Уларнинг турмуш шароити билан танишдик. Умуман олганда бу ерда ҳамюртларимизнинг турмуш шароитлари ёмон эмас. Замонавий клуб, 8 минг 500 китоб жамғармасига эга бўлган кутубхона, стадион, ошхона, спорт зали ва бошқа маданий-маиший иншоотлар улар хизматида.

Мулоқотларда айрим ёшлар ўша ернинг иқлимини, армиядаги қийинчиликларни назарда тутиб, ҳарбий хизматнинг давомини Ўзбекистонда ўташ истагини ҳам билдиришди. Бундай илтимослар хатда ҳам айтиб ўтилган эди.

Тўғри, армия сафида, бунинг устига туғилиб ўсган ўлкадан узоқда хизмат қилиш осон эмас. Буни ҳаммамиз яхши тушунамиз. Лекин сир эмаски, армиянинг ўзига яраша қаттиқ қийинчиликлари ҳам бор. Армия армияда.

Биз қайси бир қисмда бўлмайлик, ким билан суҳбатлашмайлик, ҳамма ерда юртдошларимиз ҳақида илиқ сўзларни эшитдик.

— Армияда ўзбекистонлик йигитлар билан тез-тез учрашиб туришга тўғри келади, — дейди сиёсий бўлим бошлиғи. — Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, улар ўз хизмат вазифаларига доимо виждонан ёндошадилар. Ўзларининг юксак интизомлиликлари, яхши тарбия кўрганликлари билан ажралиб турадилар.

Мақолага шу ерда нуқта қўйиш ҳам мумкин эди. Лекин ундай қилмадик. Чунки армия хизматига тааллуқли, ўз ечимини кутиб турган муҳим муаммолар борки, айниқса, ҳозирги қайта қуриш, демократия ва ошкоралик даврида улардан сира кўз юмиб бўлмайди.

Бу муаммолар шулардан иборат:

Биринчидан, биз борган ҳарбий қисмда Уставга хилоф муносабатлар, ноҳақликлар мавжуд. Булар баъзи йигитлар орасида армияга нисбатан норозилик кайфиятларини туғдирмоқда. Шу мақсадда ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг командирлари, сиёсий бўлимларнинг бошлиқлари ўз қўл остида ишлаётган кичик командирлар билан тарбиявий ишларни янада кучайтириб юборишлари зарур. Улар ҳарбий хизматчиларга тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини ҳам назорат остига олишса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Иккинчидан, ҳарбий қисмда хизмат бурчини ўтаётган ёшлар учун ўзбек тилидаги китоблар, рўзнома ва ойномаларнинг янги сонлари йўқ. Йигитлар орасида буларга эса талаб катта.

Учинчидан эса армияга соғлом йигитлар чақирилиши лозим! Жойлардаги вилоят ва ноҳия ҳарбий комиссариатлари чақириқ комиссияларида тиббий назоратни ўтказишдаги масъулиятни тобора оширишлари керак. Биз ҳарбий қисмда бўлган вақтимизда ана шу комиссариатлар номига катта эътирозлар билдирилди.

Ўзбекистон ССЖ Президентининг жумҳурият ёшларини армияга чақириш тўғрисидаги Фармонида Ўзбекистон ССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг чақирилувчилар соғлиги масалалари билан шуғулланувчи муовини лавозимини жорий этиш кўрсатилган эди.

Яқинда ушбу лавозимга оддий врач, Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири бўлиб ишлаган жумҳурият халқ депутати Б. У. Йўлдошев тайинланди.

Бугунги кун, айниқса, армия хизматига чақирилаётган ёшлар соғлиғи билан чинакамига шуғулланиш зарурлигини тақозо этади. Янги ташкил қилинган бўлинманинг вазифаси фақатгина чақирилувчилар билан шуғулланиб қолмасдан, балки мактабдаги ёшларнинг соғлигини муҳофаза этиш, улар ўртасида турли тадбирларни ўтказиш ва ўсмирларнинг соғлом бўлиб етишишларини таъминлаш, шунингдек ҳарбий комиссариатлар қошидаги тиббий комиссиялар фаолиятини назорат қилишдан иборат. Ҳозирда ёшларни армия хизматига тиббий лаёқатлиги, касалликлар сабабли вақтинча ёки умуман хизматдан озод қилиш ҳақида ҳарбий комиссариатлардаги тиббий комиссиялар учун махсус йўриқнома тайёрланмоқда.

Ва, ниҳоят, маҳаллий кенгашлар ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларини яхши йўлга қўйишлари, айниқса, ўзбек миллатига мансуб ўсмирлар ўртасида рус тилини ўрганиш ҳамда жисмоний тайёргарликни кучайтириш бўйича масъулиятни оширишлари лозим.

Биз хатни Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг комиссияси билан ҳамкорликда текширдик. Комиссия таркибида жумҳурият Олий Кенгаши ёшлар қўмитасининг масъул котиби, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати К. Қамбаров, подполковник Н. Филимоновлар ҳам бор эдилар. Қиссадан ҳисса шуки, Олий Кенгаш комиссияси юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ўз йўли билан ҳал қилади, деган умиддамиз.

Т. БОТИРБЕКОВ,
УзТАГ мухбири.
Тошкент-Минск-Тошкент.

Наим КАРИМОВ



Усмон НОСИРнинг сўнгги кунлари

Шу куними ё эртасигами янги келган маҳбусларни тўда-тўда қилиб Колима бўйлаб сочилган конларга машиналарда олиб кетдилар. Оқ айиқдан бўлак тирик жонни кўрмаган музликлар ўлкаси ўзининг олтин дафиналари билан машҳур бўлиб, уларни давлатнинг тағи очиқ қопига солиш учун миллионлаб бегуноҳ кишилар ҳибсга олинмоқда ва бу ерларга келтирилмоқда эди. Усмон Носир ана шундай маҳбуслар оқими билан 1939 йилнинг 22 июлида Экспедиция конига етиб келди.

Шоирнинг Кемерово вилоятидаги ҳужжатлари орасида антиқа бир ариза бор. Бу аризанинг антиқалиги шундаки, у У. Носирбоев деган маҳбус томонидан ёзилган. Бир букламаси йиртилган тўрт букланган қоғозга кимёвий қалам билан ёзилган бу ариза шоирнинг дастхатига сира ўхшамайди. Лекин у Усмон Носирнинг шахсий ишига бежиз тикилмаган кўринади. Мана, ўша ариза:

«Экспедиция конининг бошлиғига лагернинг 5-барагидаги У. Носирбоевдан

АРИЗА

Сартарош бундан 5 кун илгари лагерга янги келган маҳбусларнинг соч-соқолини қирар экан, менинг коверкот костюмими (шим ва пиджак)ни сотиб олиш ё эртасига қайтариш шарти билан олган эди, зероки, у костюмимнинг унга тўғри келиш-келмаслигини билмас эди. У эртаси кун келмаганлиги сабабли мен лагерни қўриқлаётган навбатчи (баланд бўйли малласоч киши)га оғзаки арз қилган эдим, у костюм топилгани ва АЛП* бошлиғида эканлигини ҳамда лагпункт бошлиғига ариза беришим кераклигини айтди. Навбатчига, АЛП бошлиғига ва лагерь бошлиғига қайта-қайта мурожаат этишимга қарамай, костюмимни қайтариб бермадилар. Бирлари «Эртага келгин», деса, бошқалари қандайдир жазо билан қўрқитмоқчи бўладиларки, нима учун эканлигини билолмай юрибман. Шу костюмимни қайтаришда ёрдам беришингизни ўтиниб сўрайман. Менинг бошқа ҳеч нарсам, шунингдек, пулим ҳам йўқ.

Лагерь маҳбуси Носирбоев.
5-сонли барак. Манчинский бригадаси.
27/VII 39 й.».

Ариза тагига АЛП бошлиғи ўр. Коньтер 20 июль санаси билан имзо чекиб, костюмни қайтаришда маҳбусга кўмаклашмоқчи бўлганга шама қилган. Сўнг 29 июль санаси билан «костюм қайтарилди», деб ёзилган ва имзо чекилган.

Бу аризада тилга олинган бирорта исм ё бирорта рақам шоирнинг Колимадаги ҳаётига оид ҳужжатлари орасида учрамайди. Аммо бундай ҳужжатларнинг ўзи оз бўлгани сабабли юқоридаги факт асосида аризанинг Усмон Носирга мансуб эмаслигини тасдиқлаш ҳам тўғри эмас. Дастхат масаласига келсак, ғадир-будир қоғозга учи тўмтоқлашган қалам билан қийналиб ёзиш натижасида ҳар қандай дастхат ҳам ўзгариши мумкин. Эҳтимол, шоир телогрейкаси — пахталик либоси бўлгани учун костюмини зарурат юзасидан сотмоқчи бўлгандир. Усмон Носирнинг сибирдош биродарлари унинг бир дона папирос учун костюмини ечиб берганини айтадилар-ку, ахир! Лекин у ҳолда шоир нима учун ва қандай қилиб ўзини «У. Носирбоев» деб атаган? Бу саволга жавобни, назаримда, унинг шу кезларда ўқтин-ўқтин пароканда бўлиб турган руҳий ҳолатидан ахтариш лозим.

Шоир архивида худди шу санага оид яна бир ҳужжат мавжуд. Бу ҳужжатга кўра, чеки Экспедиция конининг «Герб» деган шартли номга эга участкасига тушган Усмон Носир 27 июль куни тонгги йўқлама чоғида ишга чиқишдан қатъиян бош тортган. Демак, меҳнат-тузатув лагерлари бошқармасининг врачи бир ой давомида даволаниш лозимлигини тавсия этгани ҳолда лагерга келган кунининг эртасигаёқ уни оғир ишга сафарбар этмоқчи бўлганлар. Аммо ишдан бош тортган шоир, лагерь старостаси Козловский, наряд бўйича Фадеев ва МТБ** инспектори Клюев тузган далолатномада айтилишича, ўз қарорини умуман ишлаш нияти йўқлиги билан изоҳлаган. «Мен йигирма йил Шўро ҳокимиятининг қонунларига ишониб келдим, энди ортиқ ишонмайман. Мени жисмоний ишлашга мажбур этиб, миямдаги куч-қувватни ҳам тортиб олмоқчи бўлаётганларини кўриб турибман. Демак, улар мени била-туриб ўлдирмоқчилар. Мен ўз ўлимимни тезлаштириш учун бугундан бошлаб очлик эълон қиламан... Лагерь маъмурияти ва умуман ҳукумат менинг қотилим бўладилар», деган. Қаҳр-ғазабга тўлиб тургани учун Клюевнинг бўйнига чанг солмоқчи бўлган. Шоирнинг нияти бузилганини кўрган назоратчилар дарҳол уларни ажратиб, сўнг «безори маҳбус»нинг «таъзирини берганлар».

Усмон Носир шу куни ишга чиқмади. Аммо у 23 июлдан то 1 августга қадар 7 кун ишлаб, ўзига юклатилган вазифани 32 фойиз миқдорида бажарди. Август — сентябрь ойларида эса на якшанбага, на нураб бораётган саломатлигига қарамай, уззу-кун ишлади. Аммо у агар август ойида режани 67 фойиз бажарган бўлса, сентябрь ойида бу кўрсаткич 54 фойизга қадар пасайди. Бу маҳбус шоирнинг ишёқмаслиги эмас, балки сўлиб бораётган соғлиғи туфайли юз берди. Шунга қарамай, у хизмат қилган участка бошлиғи «Иш кунларини ҳисоблаш харитаси»да маҳбус ишчига тавсиянома ёзар экан, «Ишга муносабати ёмон, асбоб-анжомга бўлган муносабати жуда ҳам ёмон», деб қайд этган.

Калтаклардан, маҳбусхоналардаги, поезд ва буғюрар кемадаги ҳайвонларча муносабатдан тинка-мадори қуриб, бир бурда бўлиб қолган шоир бошқа маҳбуслар қатори ишлай олмади. Бундан норози бўлган бошлиқлар участканинг умумий кўрсаткичини туширгани ва «текин томоқ» бўлгани учун дўппослаган ва соғлиғининг янада ёмонлашувига сабабчи бўлган бўлсалар ажаб эмас. Шунинг учун ҳам у октябрь-декабрь ойларида касаллиги туфайли бир кун ҳам ишга чиқмади. Участка бошлиғи ҳам, лагерь маъмурияти ҳам унга шу даврда тавсифнома берар эканлар, фақатгина бир сўзни — «касал» сўзини ёзганлар, холос. 1940 йилнинг 1 январидан 31 мартга қадар эса у фақат 11 кун ишлаб, 80 кунни хасталик билан ўтказди. У хасталиги ва меҳнат қобилиятига тўла эга бўлмаганлиги сабабли бир бригададан иккинчисига, бир участкадан бошқасига тинимсиз кўчириб турилди. Ўз емаги учун ишлаб пул тополмаган, режани бажариш ишига ҳисса қўшолмаган маҳбус қайси бригадага ўтказилмасин, ортиқчалик қилди.

Маҳбус шоирнинг Экспедиция конида дастлаб қандай иш билан шуғулланганини бирор ҳужжатда қайд этилмаган. 1940 йилнинг биринчи квартали учун тўлдирилган «ҳисоблаш харитаси»да эса унинг кончи (забойщик) вазифасида ишлагани маълум бўлади. Усмон Носирнинг Сибирь конларида кечган ҳаётидан хабардор собиқ маҳбусларнинг хотирлашларига кўра, шоир лагерда, чунончи, ўрмон кесиш ишларида ҳам қатнашган; у кундалик вазифасини бажариш қийинлигига қарамай, баъзан ўзбек маҳбуслар ўзлари кесиб йиқитган дарахтларнинг бир қисмини унинг ҳисобига ўтказганлар. Бундай мурувват эвазига шоир уларнинг олис юртдаги ота-оналари, рафиқа ва қайлиқларига атаб шеърий мактублар ёзиб берган. Яна шу кишиларнинг айтишларича, ҳаётдан тўйган шоир арралаган дарахтларнинг шоҳ-шаббаларини кесар экан, узун-узун чўпларни олиб, қулоқлари ва бурун катакларига тиқиб қонатган ва шундай йўллар билан ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган.

Аммо марҳум тилшунос олим Сафо Зуфарий эшитган бу воқеалар қачон ва қаерда рўй берган? Агар улар ҳақиқатга мос келса, балки шоирнинг Экспедиция конидаги дастлабки ҳаёти даврида содир бўлгандир. Яна яратганнинг ўзи билади!

Хуллас, Усмон Носирнинг саломатлиги дарз кетиб, шоирни лагерь шароитида тузатишга кўзлари етмагач, уни малакали шифокорлари бўлган касалхонага юборишга мажбур бўлдилар. Бундай касалхона эса Магадан шаҳридан 25 км олисда жойлашган Ногиронлар шаҳарчасида эди. Колимада сочилиб ётган аксар лагерларда меҳнат қобилиятини йўқотган, қўл-оёқларини совуқ урган ё бошқа оғир тан жароҳатларига йўлиққан маҳбуслар шу ерга келтирилар эди. Усмон Носир ҳам 1940 йил ноябрида шу ерга олиб келинди. Тиббий кўрик унинг сўл ўпкаси ишдан чиққани ва унга Сибирь йўлларидаёқ чанг солган зангла касали авжга минганини кўрсатди. Яна шу кўрик натижасида унинг руҳиятида ҳам баъзи бир силжишлар рўй бергани аниқланди.

Иброҳим Назирийнинг айтишича, шоирни Ногиронлар шаҳарчасига юборишлари арафасида у қўл ва оёқларини совуққа қасддан олдирган. Лекин қўл ва оёқларни совуқ уриши орқасида юзага келган хасталик бу ўлкада оддий ҳодиса ҳисоблангани, врачлар унга аҳамият бермаганлар. Ҳолбуки, яна шу тирик манбадан маълум бўлишича, шоирнинг совуқ урган қўл ва оёқлари қўланса ҳид таратиб, аста чирий бошлаган.

Хуллас, бемор шоир 1940 йилнинг 8 ноябридан 1941 йил 29 январига қадар 62 кун давомида Ногиронлар шаҳарчасидаги касалхонанинг IV бўлимида даволанди. Усмон Носир касалхонадан чиққан кунда берилган ҳужжатга қараганда, у шу давр мобайнида ҳам хасталикдан мутлақо фориғ бўлолмаган. Врачлар сўл ўпкадаги шилиқ пардасининг яллиғланиши орқасида пайдо бўлган асоратлар ҳамон борлиги учун хаста шоирга амбулатория назоратида туришни тавсия қилганлар ва уни уч кунга ишдан озод қилганлар.

Усмон Носирнинг шундан кейинги ҳаёти манзаралари, кутилмаганда узилиб қолади. Унинг Кемероводаги иши бир вақтлари 12 192 ҳужжат (варақ)дан иборат бўлган бўлса, уларнинг катта бир қисми кейинчалик куйдириб ташланган ёхуд махфий жамғармага кўчирилган кўринади. Шунинг натижасида шоир ҳаётининг кейинги саҳифаларини варақлашда баъзи бир қийинчиликларга дуч келамиз.

Усмон Носирнинг Сибирдаги ҳаёти тўғрисида сўз борганда, унинг руҳий хасталикдан озор чеккани кўпгина хотираларда тилга олинган. Марҳум Тожихон Шодиева ва Раҳмон Эгамбердиев, барҳаёт Иброҳим Назирий ва Қосимжон Ҳошимов ўз суҳбатдошларини, аминманки, шоирни бадном этиш учун эмас, балки мудҳиш ҳақиқатни айтиш, у чеккан азобларнинг кўламини кўрсатиш учун бу масалага эътиборни қаратганлар. Шундай бўлгач, улар хотирасидаги бу масалани ҳам четлаб ўтиб бўлмайди.

Академик Эркин Юсупов «Ҳаммамизнинг бурчимиз» номли мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1988 йил 24 июнь) Тожихон Шодиеванинг Усмон Носир тўғрисидаги хотирасини бундай қайта ҳикоя қилади:

«Улуғ Ватан уруши йилларида биз қамоқ лагерида бўлганимизда, маҳбус Саъдулла Турсунхўжаев қўшни лагерда бўлган Усмон Носир оғир аҳволда эканини, ундан хабар олиш зарурлигини менга айтди. Турсунхўжаев лагерда сув ташувчи бўлиб ишлагани учун қўшни лагерлардан келган кишилар билан учрашар, у ерларда юз бераётган воқеалардан бизни хабардор қилиб турар эди. Лагердаги ўзбекистонлик маҳбуслар менга бир неча бурда нон, 3—4 дона қанд тўплаб бердилар. Буларни рўмолимга тугиб олиб, қўшни лагерга бордим. Мен аёл киши бўлганим учун улар лагерь ташқарисига чиқишга рухсат беришар эди. Усмон Носирни кичкина бир хонага қамаб қўйишган экан. У хаёл суриб, ўз-ўзича сўзлаб ўтирар, руҳий жиҳатдан жуда жовдираб турарди. Булар унда руҳий касаллик бошланганидан дарак берар эди. Мен унга: «Усмонжон ука, дадил бўлинг, сиз ҳали ёшсиз, ўзингизни йўқотманг, яхши кунлар ҳам келар. Ватанга қайтиб борамиз», деб тасалли беришга уриндим. У мен олиб борган нонни ва қандни ер, сўзларимга эса асло парво қилмас эди. Мен навқирон ажойиб талант соҳиби шу аҳволга тушиб қолганини кўриб, эзилиб кетдим ва кечқурун лагерга қайтиб келдим. Орадан бир ой ўтар-ўтмас, Саъдулла Турсунхўжаев мени яна чақириб, «Тожихон, Усмоннинг аҳволи ёмон бўлиб қолганга ўхшайди, яна бир хабар олиб келмасангиз бўлмайди», деди. Борсам, Усмонни очиқ ерда, ёмғир остида устунга боғлаб қўйишган экан. У осмонга қараб турар ва нималарнидир гапирар эди. Унинг гапларини тушуна олмадим. У мени танимади ва гапларимга қулоқ ҳам солмади. У бутунлай савдоий бўлиб қолган эди. Мен йиғлаб лагерга қайтиб келдим ва воқеани айтдим. Шунда Саъдулла Турсунхўжаев менга: «Минг афсус, Усмон Носирнинг ҳам куни битибди», деди. Ўша мудҳиш даврларда оғир руҳий касал бўлганларни даволамас эдилар...».

Тожихон Шодиева бу сўзларни Эркин Юсуповга 1956 йилда, Сталин дўзахидан — аждаҳо комидан омон-эсон қутулиб келган кунларда айтиб берган. Менимча, бу хотирада ҳақиқатга озор берувчи бирорта ҳам сўз йўқ. Касалхонада берилган ўша «хасталик тарихи»дан кўчирманинг ён тарафида: «Психоневрологнинг маслаҳатларига муҳтож», деган сўзлар ёзилган бўлиб, улар Тожихон Шодиева хотирасида келтирилган воқеани тасдиқлагандек бўлади.

Шоирнинг инсон зоти кўрмаган азоблар ва хўрликлардан савдойи бўлиб қолмаслиги мумкин эмас эди. Ахир унинг — худо шоир қилиб яратган инсоннинг ҳиссиёти ваҳшиёна ишлар билан топталса, унинг бирдан-бир қуроли — руҳий аъзолари мажақланиб, руҳий ҳаёт ришталари чок-чок узилиб ташланса, у қандай қилиб савдойи бўлмаслиги мумкин?!

Аммо унинг руҳий хасталиги дарё каби бедор оқимдан иборат эмас, балки баҳор ёмғири каби ўқтин-ўқтин ёғиб ўтиб, сўнг беғубор ва мусаффо осмонга интилувчи кунларга ўхшар, ана шундай кунлар келиши билан у яна ижод қобилиятини тиклар, маҳбусларнинг илтимоси билан шеърлар ўқир, разолат майдонида уларга нафосат ва фароғат гулларини улашар эди. Нақл қилишларича, у Магаданда Сибирь ўрмонларининг устига оппоқ гиламдан қават-қават қилиб тўшаган қишдан илҳомланиб, рус тилида «Қор» деган ажойиб бир шеър ҳам ёзган, унинг шу шеърини касалхона врачлари бутун вужудлари қулоқ бўлиб тинглашар экан.

Лекин шу билан бирга унинг савдойи ҳолатлари ҳам ўта даҳшатли тусда ўтар ва бундай пайтларда уни темир панжара орасига, худди қутурган арслонни ташлагандек, занжирбанд қилар эканлар.

Уни — буюк истеъдод соҳибини шу даражага олиб келганлар...

Усмон Носирнинг 1941 йил 29 январидан ўша йилнинг 16 июнига қадар ҳаёти қаерда ва қандай кечгани ҳақидаги маълумотлар қолмаган. Тахмин қилиш мумкинки, саломатлиги ана шундай нозик бир ҳолатда бўлган шоирни Ногиронлар шаҳарчаси деб аталган Алоҳида лагерь пунктида олиб қолганлар. Бу шаҳарчада турли корхоналар бўлган. Иброҳим Назирийнинг гувоҳлик беришича, у маълум фурсат шу шаҳарчадаги ойна заводида ишлаган. Лекин, чамаси, маҳбус шоирни кейинроқ бошқа бир корхонага кўчирганлар.

Алоҳида лагерь пункти бўйича 1941 йил 16 июнда чиқарилган 130-сонли буйруқдан олинган кўчирмага кўра маҳбус Кристофоровни урган ва важдан 5 суткага енгил жазо олган.

Яна шу лагерь бошлиғининг 14 июлда чиқарган буйруғи бўйича бир сменада иш нормаси 1,2 бўлгани ҳолда 2 жуфт чипта кавуш тўқиб, ишлаб чиқариш суръатини кўтарган маҳбус шоирга «меҳнат интизоми ва зарбдор меҳнатдаги намунали кўрсаткичлари учун» шахсий ишига қайд этиш шарти билан ташаккурнома эълон қилинган. Бундай узуқ-юлуқ фактлар шоирнинг касалхонадан чиққандан кейин Ногиронлар шаҳарчаси деб аталган лагерда қолгани ва шу лагерга қарашли корхоналарда енгил ишларни бажарганлигидан хабар беради.

Усмон Носирнинг, Шимоли-шарқий меҳнат-тузатув лагерларида кечган ҳаётида ғоят муҳим бир нуқта бор. Агар шоир бахтли юлдуз билан туғилганида, бу нуқта унинг тақдирини ўзгартириб юборган, у қафасдан омон чиқиб, Ўзбекистон аталмиш бўстонда булбул ўлароқ сайраб юрган бўларди. У шундай гирдобга тушган эдики, бу гирдобдан тирик чиқиш учун фақат илоҳий бир қудрат унга нажот қўлини чўзиши мумкин эди. Худо, дин ва имон қувилган мамлакатда эса илоҳий қудрат «халқлар доҳийси» И. В. Сталин тимсолида намоён бўлар эди. Бутун мамлакат бўйлаб сочилган «меҳнат-тузатув» лагерларида азоб чеккан миллионлаб бегуноҳ маҳбусларнинг кўзлари унга қадалгани, ундан нажот кутгани учун улар «доҳийга» хат ёзишни истар, лекин бу имконият ҳаммага ҳам берилмас эди. Усмон Носир ҳам неча марта илтимос қилмасин, унинг хат билан Сталинга мурожаат этишига йўл қўймайдилар. Ниҳоят, 1940 йил 20 августда у ана шу бахтли имкониятга эга бўлди.

Бугун Усмон Носир ижодининг мухлислари ўртасида маълум ва машҳур бўлган бу хатда шоир 1938 йил 5 октябрда ССЖИ Олий суди Ҳарбий коллегиясининг кўчма сессияси бўлиб ўтганини биринчи марта эътироф этади. Бу шоирнинг онгли ва самимий эътирофими ё унинг миясига «суд фалон пайтда бўлган», деб қуйиб келганларининг натижасими, — буни билиш мушкул. Лекин бу хатда баён қилинган фикрлардан суд, ҳар қалай, бўлиб ўтган кўринади:

«1937 йили (14 июль куни) ЎзССЖ НКВДси томонидан ҳибсга олиндим. Тергов алдов усулларини қўллаб, менинг тажрибасизлигимдан фойдаланиб, ёлғон айбномага мени иқрор этиш йўлини тутди.

1938 йилнинг 5 октябрида мен Ҳарбий коллегиянинг кўчма учлиги олдида менга қўйилган ёлғон айбларни батамом рад этдим. Аммо коллегия Ёзувчилар уюшмаси собиқ раҳбарининг суд бошланиши арафасида бўйнимга қўйилган бошдан-оёқ бўҳтондан иборат кўргазмасига асосланиб, барча айбларни инкор қилишимга қарамай, мени ЎзССЖ ЖКнинг 67, 64-14 моддалари бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди...

Бу қарор, бу ҳукм адолатсизликдир...»

Шоирнинг бу сўзларини ўқир эканмиз, яна суд билан боғлиқ ҳақли савол туғилади. Демак, 5 октябрда ҳар қалай суд бўлган экан-ку, деймиз табиий. У ҳолда Усмон Носир нега шу вақтга қадар суд бўлмаган, деб зорланиб келди? Менимча, у бор-йўғи йигирма дақиқа давом этган судни адолатли ҳуқуқий жараён деб билмаган. У бошқа, чинакам суд бўлади, деб умид қилган ва ўша қалбаки, ўйиннамо суднинг қарорини тан олмаган.

Усмон Носир шундан кейин ўзининг болалар уйи ва ВЛКСМ сафларида тарбиялангани, эълон этган ва таржима қилган асарлари тўғрисида мухтасар сўз юритгач, «Мен қамоқда ўтган 3 йиллик умрим мобайнида барча қийинчиликларга қарамай, битта шеърий роман, 3 та пьеса ва туркум шеърлар тайёрладим», деб хабар беради. Афсуски, унинг бу асарлари ҳақида ҳанузга қадар бирор ишончли маълумот учрамай келинмоқда. (Кези келганда айтиш лозимки, уни ҳисобга олиш чоғида олиб кетилган қўлёзма асарларининг ҳам бирон изи ҳанузга қадар топилмаган. Афтидан, улар ўша вақтнинг ўзидаёқ куйдириб ташланган).

Ниҳоят, шоир хат сўнггида ўзининг ноҳақ қамалгани, қайноқ ҳаётга қайтиши, ўз Ватанининг тўлақонли фуқароси бўлиши лозимлигини ўтли сўзлар билан ифодалаганки, бу сўзларни ҳаяжонсиз ўқиш асло мумкин эмас.

Хатга қуйидаги жазо муддатини ўташ жойи илова этилган: Магадан ш. Хабаровск ўлкаси, 261/5-сонли Почта қутиси, 2-саноат комбинати.

Агар ушбу хат ёзилган август ойида шоирнинг Экспедиция конида жазо муддатини ўтганини эсласак, 261/5-сонли Почта қутиси ҳам, 2-саноат комбинати ҳам ўша лагерь эканлиги ойдин бўлади.

Ушбу хат Берияга йўлланган аввалги хат сингари, изсиз кетмади. Ўша йилнинг 28 декабрида — тўрт ойдан сўнг у, чамаси, Сталиннинг масалага дахлдор ёрдамчисининг қўлига бориб тегди. У ўз навбатида хатни 31 декабрь куни ССЖИ прокуратурасига оширди. 1941 йил 4 январда эса Бош ҳарбий прокуратура мазкур хатни олиб, нима учундир, орадан бир йил ўтгач, 1942 йил 8 январда уни Ўрта Осиё ҳарбий округига йўллади.

Бу вақтга қадар Бош ҳарбий прокуратурада шоирнинг онаси Холамбиби Масодиқованинг ССЖИ Ҳарбий прокурори номига, ССЖИ Ёзувчилар уюшмаси ва ССЖИ Олий Кенгаши Ҳайъатининг раиси М. И. Калининга йўллаган шикоятлари ҳам йиғилиб қолган, муштипар она бу хатларида ўғлининг қора туҳматга қолганини айтиб, фиғон кўтарган ва нажот сўраган эди. Бош ҳарбий прокуратура бу тўрт шикоят асосида Усмон Носирнинг ишини қайта кўриш, унга қарши гувоҳлик берган маҳбуслар билан суҳбатлашиш ва шоир ижодини мутахассислар назаридан қайта ўтказиш ҳақида Ўрта Осиё ҳарбий округининг ҳарбий прокурорига кўрсатма берди. Бу топшириқ асосида ЎОҲО ҳарбий прокурорининг ўринбосари бригвоенюрист Д. Китаев 1942 йил мартида серкўлам иш бошлаб юборди.

4

Усмон Носир ҳаётининг шу нуқтасида турли англашилмовчиликлар, тахминларни юзага чиқарган бир жумбоқ бор. Гап шундаки, маҳбус шоирнинг сиҳат-саломатлиги ачинарли даражада ёмон бўлган бир даврда — 1941 йилнинг 14 июлида, у, кутилмаганда, Сибирь лагерлари бошқармасига қарашли Мариинск шаҳрига этап билан юборилган. Усмон Носирнинг Магадандаги сўнгги кунларини кўрган ё эшитган собиқ маҳбуслар бу фактни мутлақо рад этиб, унга ишониш мумкин эмаслигини таъкидлайдилар. Иброҳим Назирий шоирни ўзбек маҳбуслар орасида сўнгги марта кўрган марҳум Раҳмон Эгамбердиевнинг хотирасини бундай ҳикоя қилади: «Мен Усмон Носирни охирги марта кўрганимда, у мутлақо ҳаракат қила олмас эди, — деган экан Р. Эгамбердиев. — Уни машинага солиб қаергадир юбормоқчи бўлиб турган эканлар. Лекин у машинага ўз кучи билан чиқа олмайдиган, мушкул бир ҳолатда эди. Шунинг учун ҳам уни кўрпа устига ётқизиб, сўнг кўрпа билан бирга кўтардик-да, машинага жойладик...».

(Давоми бор).

* Алоҳида лагерь пункти.
** Маданий тарбия бўлими.

(Боши рўзномамизнинг ўтган сонларида).

Хориждан хабарлар

ССЖИ ВА АҚШ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

19 ноябрь куни Париж учрашувининг кечки мажлиси тугагач, М. С. Горбачев билан Жорж Буш бафуржа суҳбатлашдилар. Президентлар ўз ўрталарида вужудга келган рўй-ростлик, тўғрилик ва бир-бирларига чуқур ишонч руҳида ССЖИдаги ички ўзгаришларни, Қўшма Штатларнинг қайта қуришнинг энг қийин босқичида унга кўмаклашишга тайёрлиги ва имкониятларини эътиборга олиб, ўз мамлакатларининг Европа жараёнидаги, жаҳон ишларидаги ўрни ва аҳамиятини муҳокама қилдилар.

Ироқнинг агрессиясига нисбатан биргаликда ҳаракат қилишга алоҳида эътибор берилди. Президентлар Хельсинки аҳдлашувларига асосланиб, жаҳон ҳамжамиятининг хоҳиш-иродасига мос бўлиб тушадиган ҳамма ишларни қилишга азму-қарор бергандирлар. Жуда ўткир тангликни ҳал этишда тарихнинг янги, жаҳоншумул даври сари қилинаётган ҳаракатнинг бошланишидаёқ ўзаро мададкорлик айниқса зарур, деб ҳисоблашди иккала Президент. Муаммо ҳал этилиши керак. Уни ҳал этмаслик мумкин эмас. Президентларнинг фикрича, шу дамгача БМТ доирасида кўрилган ҳамма чора-тадбирлар тўғри, Хавфсизлик Кенгаши қарорларининг руҳи ва мазмунига мос бўлиб тушади. М. С. Горбачев билан Ж. Буш ҳар иккovларидаги мавжуд ахборот асосида Форс кўрфазидаги ҳозирги аҳволни батафсил таҳлил этдилар, бу танглик жаҳон ҳамжамияти учун жуда хавфли эканини таъкидладилар ва вазиятни БМТ доирасида яна муҳокама қилиш зарур, деган фикрга келдилар.

Суҳбатнинг кўп қисми якка-ма-якка ўтди. Сўнгра унга Э. А. Шеварднадзе, Ж. Бейкер, Д. Т. Язов, Президентларнинг ёрдамчилари қўшилдилар.

Қўшма Штатлар Президенти келгуси йилнинг бошларида ССЖИга расмий ташриф буюради, деб келишиб олинди.

Телетайп лентасидан

АБУ-ДАБИ. Қувайт Марокаш подшоҳи Ҳасан II нинг Араб давлатлари бошлиқлари фавқулодда кенгашини чақириш тўғрисидаги таклифини рад этди.

Қувайт ахборот вазири вазифасини бажарувчи доктор Бадр Жасим ал-Ёқуб Тоифда сўзга чиқиб, унинг мамлакати Ироқ жаҳон ҳамжамияти, Араб ва Ислом давлатлари анжуманларининг резолюцияларини бажаришдан бош тортганлиги муносабати билан бу кенгашни чақиришнинг фойдаси йўқ деб ҳисоблаётганлигини айтди. Ана шу ҳужжатларда Ироқ қўшинларини босиб олинган мамлакатдан тезда олиб чиқиб кетиш ва Қувайт қонунчилигини тиклаш талаб этилади. У Қоҳирада олий даражада ўтказилган Араб мамлакатлари фавқулодда кенгашининг қарорлари бекор қилинишини талаб этаётган Ироқ вакилларининг охирги баёнотлари янги кенгаш муваффақиятли ўтишига кафолат бермаслигини таъкидлади.

ДАМАШҚ. Марокаш подшоҳи Ҳасан II нинг Араб мамлакатларининг олий даражадаги фавқулодда учрашувини чақириш юзасидан кўрсатган ташаббуси муаммо, ҳатто бемаънилик бўлиб қолди. Чунки Ироқ уни ўтказиш учун ўзининг дастлабки шартларини ўртага қўйди, масъул шахслар эса Қувайтдан чиқиб кетишга қарши чиқишда давом этмоқдалар ва бу мамлакат истило қилиниши кераклигини талаб қилмоқдалар. САНА агентлиги Сурия ва Миср бошлиқлари Ҳафиз Асад билан Ҳусни Муборак ўртасида бу ерда бўлган икки кунлик маслаҳатлашувлар якунлари юзасидан матбуот учун тарқатган баёнотида шу ҳақда гапирилади. Араб дунёсидаги вазият, Форс кўрфазидаги аҳвол шу музокаралар қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. Улар бу ердаги тангликни сиёсий бартараф этиш йўлларини муҳокама қилдилар, ана шу нарса Ироқ халқини вайронагарчилик келтирувчи фалокат хавфидан қутқариб қолишга имкон берган бўлур эди. Бу хавф-хатар Қувайтни босиб олиш давом этаётганлиги муносабати билан пайдо бўлди. Ана шу нарса араб, ислом ақидаларига ва халқаро қарорлар ҳамда нормаларга зиддир.

Икки давлат раҳбарлари ўзларининг якуний баёнотида Бағдод можароми ҳар қандай сиёсий йўл билан ҳал этиш имкониятини рад этаётганидан афсус билдирдилар. Ҳ. Асад ва Ҳ. Муборак бир-бирлари билан ва бошқа Араб давлатлари билан миллатнинг олий манфаатларига асосланиб ва унинг бирлигини ўйлаб алоқаларни давом эттиришга азму-қарор берганликларини тасдиқладилар.

(ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

139 ЁШЛИ КИШИ

● БОМБЕЙ яқинида истиқомат қилувчи Лал Баҳодир Сварангни жаҳонда энг узоқ умр кўрувчи киши десак, муболаға бўлмас. Ахир, унинг ёши — 139да! Сваранг бобонинг фикрича, узоқ умр кўришининг асосий сабабларидан бири — чекмаслик, спиртли ичимлик ичмаслик, энг асосийси, овқатга туз солмасдан тамадди қилишдадир. Бундан ташқари қария қанд ҳам емайди, организм учун керакли бўлган ширинликни мевалардан олади. Узоқ умр кўрувчининг айтишича, отаси ширин чойни кўп истеъмол қилгани учун, атиги... 98 йил яшаган. Сваранг бобо чўмилишни жуда ёқтиради, яхши суза олади, кунига фақат 8 соат ухлайди.

ЭНГ ДАНГАСА ХАТ ТАШУВЧИ

● БЕЛЬГИЯнинг Шарлеруа шаҳрида яшовчи Морис Карсье исмли кишини энг дангаса хат ташувчи деса бўлади. Шу йилнинг бошида унинг боғидан тасодифан жуда кўп хат топиб олинди. Бу мактублар бундан 10 йил муқаддам муаллифлар томонидан ёзилган бўлиб, хат ташувчининг ўта ишёқмаслиги туфайли эгаларига тегмаган. Карсье хатларни авайлаб сақлаган, шунинг учун эскирган бўлса ҳам уларни бемалол ўқиш мумкин. Почта ходимлари барча мактубларнинг ҳар бирига вақтида юборилмаганлиги учун кечирим сўралган қоғоз бириктириб, ўз манзилига юборди. Хат ташувчи Морис эса, ўзининг ўта дангасалиги туфайли шуҳрат қозонди.

ЯНА БИР РЕКОРД!

ҲИНДИСТОННИНГ Ҳайдаробод шаҳридан 29 ёшли актёр Шринивас узлуксиз тақлид қилишда жаҳон рекордини ўрнатди. У 32 соат мобайнида таниқли сиёсат арбоблари ва кино юлдузларини «масхаралади», турли қуш ва ҳайвонларнинг овозини ўхшатди. Унинг бу томошаси «Гиннеснинг Рекордлар китоби»дан ўрин олди. Шринивас етти соатга тенг бўлган аввалги жаҳон рекордини тўрт баравар янгилади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

РУҲЛАР

ЁКИ ЯНА ЮНУСОБОДЛИК «БАРАБАШКА» ХУСУСИДА

КУНИ КЕЧА «Ёш ленинчи» рўзномасида юнусободлик «Барабашка» ҳақида берилган воқеани кўпчилик: «Дарҳақиқат, ақл бовар қилмайдиган ҳодиса», — деб айтишаяпти. Аслида шундаймикан? Мутлақо йўқ. Бу воқеа фақат биз учун шундай туюлаяпти, холос. Бу воқеага қўйилган сарлавҳанинг ўзидан ҳам билиниб турибди. Агар шу аҳволда кетаверадиган бўлсак, бунақанги воқеа, шу кунларда ҳар юз ёки минг хонадондан бирида пайдо бўлаётган бўлса, яна оз вақт ўтгач, ҳар уч хонадоннинг бирида содир бўлиши ҳеч гап эмас.

Бу фикрга далилнинг ҳеч кераги йўқ. Зеро, ҳар уч дунёнинг бирида (бу ерда уч дунё деб: макро, микродунё ва дунёлар тушунилаяпти) содир бўлган воқеа иккинчи, учинчи дунёда ҳам ўз аксини топади, албатта. Фикримизнинг далили учун биз яшаб, истиқомат қилаётган дунёни ва унда шу кунларда содир бўлаётган воқеаларни кўз олдингизга келтиринг. Одамлар мансаб учун талашишяпти. Шундай экан, мансаб учун талашиш, нега микродунёда бўлиши керак эмас?! Ахир ҳар уч дунё бир-бири билан ўзаро муносабатда ва бир бутун ҳаёт занжирини ташкил этади-ку?! Одамлар ҳудуд учун курашаяптилар. Бошқа дунёдагилар нега ўз ҳудудлари учун курашишлари керак эмас. Айтилаётган бу фикрга тўғри баҳо беролсангиз, мухбирларимиз айтган «Барабашка» воқеаси»ни ҳам тўғри талқин қила оласиз, деган умиддаман. Аммо сизнинг фикрингизни чалғитмаслик борасида ўша «Барабашка» воқеаси ҳақида озгина тушунча бермоқчиман, холос.

АВВАЛО, «ПОЛТЕРГЕЙСТ» сўзи ҳақида. Дарҳақиқат, у немисча сўз. Лекин биз уни «шўх руҳлар ўйини», — деб тушунамиз. У аслида, шўх руҳларнинг ҳам, шўх бўлмаган руҳларнинг ҳам ўйини эмас. Аксинча, ўз ҳуқуқи учун курашишдир. Бу ерда ўз ҳуқуқи учун курашаётган руҳлар мутлақо шўх бўлишлари шарт эмас. Шундай экан, руҳларнинг ўзи нима? — деган савол туғилади. Гарчи биз руҳлар ҳақида оз-моз маълумотли бўлсак ҳам, аммо «Барабашка» воқеасига тўғри баҳо бериш баҳонасида тўлароқ маълумотли бўлиб қолганимиз маъқулмикан. Келинг, яхшиси шундай қилайлик.

Сиз бирор идишга сув солинг-да, уни қайнатинг. Сув қайнагач, у аста-секин буғга айлана бошлайди. Аввалига сиз буғни бироз кўрасиз, кейин эса кўролмайсиз. Вақтлар ўтади, бу буғ сувга айланади, ёмғир сифатида қайта ерга тушади. Кўраяпсизми, идишдаги сувнинг, агарда унинг ҳажмини танаси дейдиган бўлсак, у икки танадан иборат экан. Уларнинг бирини ўзининг ҳақиқий танаси десак, иккинчисини мавҳум тана дейишимиз мумкин. Одам танаси ҳам худди шундай икки, яъни ҳақиқий ва мавҳум танадан иборат. Токи одамзод тирик экан, бу икки тана доимо бир тана сифатида шаклланган бўлади. Инсон бандаликни бажарса, унинг танасидаги мавҳум тана ўша оннинг ўзидаёқ биоэнергия кўринишида самога чиқиб кетади. Бу энергия биологик хусусиятга эга бўлганлиги сабабли, боболаримиз уни руҳ деб атаб келишган.

Лекин қайси руҳ чиқиб кетади? Келгуси бу фикримиз, гарчи кўпчиликка кулги сифатида кўринса ҳам, уни эслатиш ҳам қарз, ҳам фарз. Зеро, шифокорлар шундай дейишади: «Хўп яхши, инсонда руҳ бор дейлик. Одам ўлгач, руҳлар чиқиб кетади. Бунисигаям қўшилайлик. Аммо у одам ўлгандан кейин ҳам унда жон борлиги аломатлари сезилиб туради-ку? Бунисига нима дейсиз?» Бу ғарибона илмдор одамлар учун тўғри, албатта. Лекин воқеага шарқона қарайдиган бўлсак, уни бундай тушуниш керак бўлади. Аввало, руҳлар она қорнида фарзанднинг пайдо бўлишида беминнат иштирок этади. «Х» ва «У» деб аталадиган хромосомаларни ўзаро пайванд этади. Бу, биринчиси бўлса, иккинчидан, фарзандда тана ва тана аъзолари пайдо бўлиши ва уларнинг такомиллашишида бевосита иштирок этади. Бу руҳни бирламчи руҳ десак, унинг иккиламчилари ҳам бўлади. Бу иккиламчи руҳлар ҳам бирламчи руҳлар иштирокида пайдо бўлади. Бирламчи руҳларнинг асосий вазифаси шундаки, яъни улар ҳар бир инсонга ўзидан олдинги, ўзи иштирокида пайдо бўлган инсоннинг бошидан ўтган воқеаларни эслатиб туради. Шу боис ҳам гоҳида бирор воқеани кўрасиз: «Эҳ, эсим қурсин! Бу воқеани қачон кўрган эдим-а?!» — деб қўясиз ўз-ўзингизга. Бу воқеани аслида сиз кўрмагансиз. Сиздан олдинги ва сизнинг бирламчи руҳингиз кўрган. Иккиламчи руҳингиз қарамоғида бўлган инсон кўрган. Шу боис ҳам бобокалонларимиз: «Руҳлар ўлмайди, бир танадан иккинчи танага кўчиб юради», деб бежиз айтишмаган.

Бирламчи руҳларингиз иштирокида пайдо бўлган иккиламчи руҳларингиз эса, ўзингизнинг бугунги, кечаги — хуллас, ўзингизнинг бошингиздан ўтган воқеаларни эслатиб туради. Шундан ҳам сиз ёшлигингизни эслай оласиз. Биз буни хотира деб ҳам атаймиз. Бу ҳам тўғри. Лекин хотирани ҳам нега солиб турувчи — бу руҳларидир. Шуни бир ва охирги марта эслаб, ёдимиздан чиқармайлик, яъни физикавий энергиясиз инсон яшаши мумкин, лекин руҳий энергиясиз одам бир дақиқа ҳам яшай олмайди.

ЭНДИ ШИФОКОРЛАРИМИЗНИНГ фикрига келсак, тўғри, киши бандаликни бажо келтирган бўлса ҳам, бир неча вақт унинг тана аъзоларида гўё жон бордек у қимирлаб туриши, айрим вақтда кўзининг очиб-юмилиши, товуш чиқариши мумкин. Буни истисно этиб бўлмайди. Шундай воқеа бўлиб туради. Бунга имонимиз комил. Бу воқеани қуйидагича талқин этилса, ҳар қалай маъқул бўларди.

Одамнинг жони узилиши арафасида унинг бирламчи руҳи чиқиб кетишга шайланиб туради. Бобокалонларимизнинг: «Жон одамнинг оғзидан «буф» этиб чиқиб кетади», — дейишлари ҳам бежиз эмас. Худди ўша пайтда бирламчи руҳлар чиқиб кета бошлайди. Махсус қурилмалар ёрдамида уларнинг суратини олиш ҳам мумкин. Аммо иккиламчи руҳ танада ҳа деганда чиқиб кетавермайди. Юқорида айтилган омилларнинг барчаси иккиламчи руҳ иштирокида содир бўлади. У руҳлар тана аъзолари бўйлаб маълум қонун-қоида бўйича тарқалган бўлиб, ўша аъзолар ўз вазифасини тугатиш арафасида маълум миқдорда чиқиб кета бошлайди. Уларнинг танадан чиқиб кетиши асосан биз «учлик», «еттилик», «йигирма», «қирқ» деган кунларга тўғри келади. Шу боис ҳам бу кунларни биз махсус йўқлашлар орқали кутиб, иккиламчи руҳларнинг тана аъзосидан чиқиб кетишини енгиллаштирамиз. Қандай қилиб? Биз ўша куни барчамиз ўша марҳумга атаб тиловатлар қилар эканмиз, ҳар биримизнинг оғзимиздан биоэнергия чиқади. Бу биоэнергия марҳумнинг танасигача етиб боради ва у марҳум танасидаги ўша аъзода ўрнашиб қолган биоэнергия, яъни руҳларни аъзодан кўчиради ва у танадан чиқиб кетади. Бундай жараён марҳумнинг еттинчи, йигирманчи ва қирқинчи кунларида қайтарилади. Марҳумнинг қирқинчи кунида унинг танасидаги охирги руҳ чиқиб кетади. Бу жараён ўша марҳумнинг миясида содир бўлади. Шундан кейингина марҳум ўз оилавий руҳларидан абадулабад видолашади. Уша кундан бошлаб марҳум танаси эриб, сувга айлана бошлайди. Жараён бир йилгача давом этади. Шу боис ҳам биз йиллик ўтказамиз.

Бу фикрлар, албатта, фаразия. Лекин бу фаразиянинг тагида олам-олам маъно борки, буларни токи тушунмас эканмиз, ўзимиз ҳақимиздаги билимларимиз чала бўлаверади.

БИРЛАМЧИ РУҲЛАРИМИЗ осмону фалакка чиқиб кетади. Лекин иккиламчи руҳларимиз инсоннинг тириклигида қилган ҳунарларига қараб у ерда қолиши ёки осмонга учиб кетиши мумкин. Ерда қолган руҳларнинг кўпчилиги ёвуз бўлади. Қанотлари бўлмайди. Қаноти борлари ҳам узоққа учолмайди. Уларнинг ҳунарлари инсонларга нисбатан ёвузлик бўлганлиги учунми,негадир бобокалонларимиз уларни «жин»лар деб аташган. Аслида улар ҳам руҳ. «Жин» бу уларнинг атамалари. Жинлар орасида ҳам сахийлари бор. Буларни мусулмон жинлар деб аташади. Улар инсонга ҳеч вақт зарар етказмайдилар, қўрқитмайдилар ҳам. «Полтергейст» ҳодисасини ҳам содир этмайдилар.

Хўш, жинлар орасида мусулмонлари бор экан, нега улар учиб кетмайдилар?! Тўғри, учиб кетмайдилар. Бу руҳларнинг кўпчилиги ҳали гуноҳ қилишга улгурмаган, бевақт нобуд бўлган ёш гўдакларнинг руҳларидир. Уларда қанот такомиллашишига улгурмасданоқ бевақт ўлим уларни танадан жудо этиб қўйган. Сизда, аввало содир бўлмасину, мабодо содир бўлгудек бўлиб қолса, агар сиз ўшанда ўз ёш марҳумингизни вақти-вақти билан йўқлаб, унга атаб биоэнергия юбориб турсангиз, марҳумингизнинг у руҳида ҳам қанот такомиллашади. Акс ҳолда улар ҳам ёвуз руҳлар қаторига қўшилиб кетади. Лекин сизнинг ўша марҳумингиз руҳини йўқламасангизда, уни оила аъзоларингиздан бири узоқда туриб йўқласа ҳам, ўша руҳ оиланинг хонадонига ташриф буюради ва ўша хонадон эгасиникида такомиллашиб, қаноти ўсади. Лекин у учиб кетмайди, ўша оилага абадулабад хизмат қилади. Лекин ҳеч қачон «Полтергейст» ҳодисасига ўхшаб ёвузлик қилмайди.

Ёвуз руҳлар асосан исқирт, ташландиқ жойларда истиқомат қилади. Агар сиз уларнинг истиқомат жойларига ҳамла қилиб, бузиб ташласангиз, сиз ўша жойга иморат қурсангиз, руҳларнинг қақшатқич зарбасига учрайсиз. Шу боис бобокалонларимиз: «Бу жойлар хосиятсиз. Иморат қуриб бўлмайди, одамлар яшай олмайди», — деб бежиз айтишмаган. Шуниси қизиқки, руҳлар сизни ўша ўз жойидан кўчириб юбормагунча қилиғини кўрсатаверади. Мисол тариқасида «Сирли ёнғин»ни айтишимиз мумкин. Лекин сиз айтишингиз мумкин: «Ахир, «Барабашка» воқеасида руҳлар пул, ручка, торт келтираётганмиш, ҳатто товуқ гўштидан таомлар қилиб бераётган эмиш, бу ёвузлик эмас-ку?» Бу ҳам тўғри. Чунки ўша уй бекаси келинчакнинг бирламчи руҳи ўша хонадонда истиқомат қилаётган руҳларнинг бирортасининг фарзанди. Қани айтингчи, ким ўз фарзандини ёмон кўради? Менимча, ақли бор бирорта одам ҳам ўз фарзандини ёмон кўрмайди. Руҳлар ҳам ўз фарзандини ёмон кўрмайди. Демак, руҳларнинг фарзандлари ҳам бўларкан-да?! Ҳа, бўлади. Лекин уларнинг оилалари бўлмайди. Танангиздаги бирламчи руҳингизнинг бевосита иштирокида пайдо бўлган иккиламчи руҳингиз ўша бирламчи руҳингизнинг фарзанди бўлади. Уларнинг севги ва муҳаббати ҳам бўлади. Уларнинг муҳаббати сизнинг уларга бўлган ишончингиздир. Агар сиз уларга ишониб, уларнинг буйруқларига биноан иш юритсангиз, уларнинг севгилиси сиз бўласиз. Балким бу келинчак ўша хонадон руҳининг севгилисидир. Шу боис ҳам у руҳлар келинчакка гоҳида йигит, гоҳида қиз шаклида кўринади. Лекин тарелкалар синаяпти-ку? Бу ҳам тўғри. Кимки, у келинчакка ёмонликни раво кўрса, ўша одамнинг ликопчаси синади. Бошқа нарсалар ҳам бўлади. Ёки текин пулларга топилган барча нарсалар ё синади, ё йўқолади. Хўш, қандай қилиб пуллар чўнтакда пайдо бўлади? Бунинг механизми қандай?! Буни билиш учун бироз бўлса-да, парарузият фанидан ёки компьютер техникасидан хабардор бўлиш керак.


КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИНИ олайлик. Биз компьютер ёрдамида турли шаклларни ясай оламиз, ҳатто юмалоқ шарсимон қисмларни ҳам. У шаклларнинг барчаси импульс. Импульс эса электроҳанграбо тўлқинининг бир туридир. Демак, биз аллақандай воситачилар ёрдамида турли шаклларни ясаётирмиз. Шундай эмасми? Шундай экан, буюк онг ўз биооҳанграбо тўлқинлари ёрдамида нега шарсимон юмалоқ тусдаги шаклларни ясай олмас экан?! Ясай олади, албатта. Руҳлар ҳам онгли, фақат мавҳум одам. Ҳозирча кўзга кўринмайди. Бир вақтлар кўринган. Яна келажакда шундай пайтлар келадики, ўшанда келажак авлодларимиз ҳам кўради. Фақат биз XX аср одамлари кўра олмаймиз, холос. Чунки уларнинг тўлқин узунлиги уларнинг ҳаракати тўлқинсимон бўлганлиги учун (уларда ҳам тўлқин узунлиги деган тушунча бор). Биз ерлик инсонлар кўрадиган тўлқин узунлигидан фарқ қилади. Демак, руҳлар ҳам биоэнергиядан фойдаланиб, тўрвачани эслатувчи шакл ясайдилар-да, ичига ўзлари истаган нарсаларини солиб қўяверадилар. Юқоридаги фикрга асосан биз на уларни ва на улар келтирган буюмларни кўрмаймиз. Кези келганда бироз гина қилишга тўғри келади. Ахир келинчак уйига бир қанча етук олимлар борган экан, нега ўша пулнинг тартиб рақамини ёзиб олмаганлар?! Ахир... бу талқинни осонлаштирарди-ку!

Гинахонликка чек қўйилик-да, бундай воқеаларнинг олдини олиш мумкинми? — деган саволга жавоб берайлик. Албатта олдини олиш мумкин. Бунинг учун ўша хонадонга, аниқроғи ўша хонага номозхон онахон ёки отахонларимиз бирининг ташриф буюришларини илтимос қилишимиз керак. Улар бу ҳақда ёзилган фикрлардан ҳам кўра кўпроқ фикрга эгадирлар. Келинчагимиз ҳам ўз навбатида инсон учун салбий ҳисобланган барча нарсалардан ўзини тийиши керак. Марҳумларга қилинган ваъдаларни барчасини бажаришлари керак. Марҳумларга ваъда бердингми, уни бажар, акс ҳолда бугун бўлмаса, эртага ёки индинга, албатта, жазосини оласан. Бу гап келинчакнинг ота-оналари, ака-укаларига ҳам тегишли. Улар ҳам бу ҳақда ўйлаб кўрсалар ҳар қалай ёмон бўлмасди. Келинчакнинг ўзи ҳам тозаланган ҳолда тиловат қилиб турса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шуларни бажарган тақдирдагина, бу ҳодисага чек қўйилмаса ҳам, ҳар ҳолда мазкур уйдан батамом кетишга, яъни алмаштиришга тўғри келади. Акс ҳолда бунақанги воқеа оиланинг бузилишига ҳам олиб келиши ҳеч гап эмас. Чунки руҳлар билан ўйнашиб ёки ҳазиллашиб бўлмайди.

РУҲЛАР БУЮМЛАРНИ нималар ҳисобига қўзғатади ёки отади? Биоэнергия ҳақида. Биоэнергия шундай катта қудратга, кучга эгаки, ундай кучга ҳатто ядровий қурилмаларнинг кучи тенг кела олмайди. Фақат бу биоэнергияни ишлата билиш керак. Руҳлар буни билади. Вақти келганда ишлата олади. Келажакда одамлар ҳам бу биоэнергиядан фойдаланиш йўлларини топадилар. Ҳозирча биринчи қадам қўйилган. Ҳозирда бу энергиядан қишлоқ хўжалигида, чорвачиликда фойдаланилаяпти. Натижалар бор. Булар ҳақида келажакда баён этилади.

Тўхтасин КАРИМБЕРДИЕВ,
Тошкент политехника олий билимгоҳининг доценти, техника фанлари номзоди.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳурматли муштарийларимиз, сиз руҳлар ҳақида бир олимнинг шахсий фикрлари билан танишдингиз. Унда мунозарали, баҳсли ўринлар мавжудлиги аён. Шундай экан, бу ҳақда сиз нима дейсиз, қандай фикр-мулоҳазаларингиз бор? Юнусободдаги «барабашка» хусусидаги мунозара давом этади.



Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси хабар қилади

ҚУРОЛ-ЯРОҒ ТОРТИБ ОЛИНДИ

ЧИРЧИҚ шаҳар ижроия қўмитаси ички ишлар бўлимининг жиноят-қидирув хизмати ходимлари ССЖИ Президентининг қонунга хилоф равишда сақланаётган қурол-яроғларни тортиб олиш тўғрисидаги Фармонига амал қилиб, жиноятчилар гуруҳини қўлга олдилар. Бу гуруҳ Тошкент гарнизони ҳарбий қисмларининг биридан ўғирланган ўқ отувчи қуроллар, ўқ-дорилар ва бошқа ҳарбий анжомларни сотиб олиш ва сотиш билан шуғулланган.

Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг бошлиғи Вадим Окель қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Бу иш биз учун бир қадар ғайриоддий бўлди. Чунки тунги тафтишлар чоғида биринчи марта шунча қурол-яроғни тортиб олишга тўғри келди. 12 ноябрдан 13 ноябрга ўтар кечаси жиноят-қидирув хизмати ходимлари анчагина қурол-яроғни топиб, тортиб олдилар. Булар орасида 3 та Макаров тўппончаси, 3 та «Вальтер» маркали тўппонча, 2 та марголин ва бир неча минг дона ўқ — чунончи фақат тўппончаларники эмас, шу билан бирга милтиқ ўқлари ҳам бор эди. Шунингдек жуда кўп миқдорда портловчи моддалар — тунука идишга жойланган тротил, портловчи пакетлар, имитацион ва сигнал ракеталари, 5 та тунда кўриш ускунаси, 37 та кўздан пана қилувчи ниқоб туркуми, 1 та РГД-5 гранатаси тортиб олинди.

Ушланган етти кишидан олинган дастлабки маълумотларга қараганда, қурол сотиб олаётганлар орасида анчагина кооператорлар бор. Қамоққа олинганларнинг исми шарифларини терговга зарар етказмаслик учун ҳозирча айтиб бўлмайди.

Шу ахборотни эълон қилаётиб, Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги ўқ отиш қуролларини қонунга хилоф равишда сақлаётган барча шахсларга бу қуролларни дарҳол ички ишлар идораларига топшириш зарурлигини эслатиб ўтади. 13 ноябрь куни «Ўзбекистон ССЖ жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССЖ қонуни эълон қилинган эди. Унинг олтинчи бандида ўқ отар қуролни, ўқ-дориларни ёки портловчи моддаларни, шунингдек, қурол сифатида ишлатишга мўлжалланган ёки мослаштирилган ёқилғи ва тез ўт оладиган бошқа моддаларни, тегишли рухсатномасиз ўзида сақлаётган совуқ қуролни ўз ихтиёри билан топширган шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинади, — дейилган.

* * *

СУРАТДА: Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими жиноят-қидирув хизмати бўлими бошлиғи, майор А. Айдаров жиноятчилардан тортиб олинган қуроллар билан.

Суратчи О. ЖУРАВЛЁВ.
(ЎзТАГ).



Муборак ноҳиясидаги «Муборак» қоракўлчилик давлат заводи етти йилдан бери Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиблик қилиб, Фахрий ёрлиқ билан тақдирланиб келмоқда. Ғолиблик қилгандан кейин соф фойда ҳам кўплиги аён. Биргина ўтган йили завод коллективи бир миллиондан кўпроқ соф фойда олишди. Меҳнат қилгандан кейин унинг роҳатини кўриш лозим. Яшаш учун керакли шарт-шароитнинг яратилишига ана шу фойда асқотади. Шу мақсадда қишки мавсумга жиддий тайёргарлик кўриляпти. Керакли миқдорда ем-хашак келтирилди. Чўпонлар учун алоҳида эътибор берилди. Уларнинг яшаш жойлари яхшилаб ремонт қилинди. Кошарлар қишга тахт қилиб қўйилди.

Қоракўлчилик ишининг унумли бўлишига яна бир сабаб бор. Чўпонларнинг фарзандларидан кўнгиллари тўқ бўлиб меҳнат қилишади. Улар учун алоҳида болалар боғчаси бор.

СУРАТДА: «Сказка» болалар боғчасининг бахтиёр тарбияланувчилари.

Ш. ШАРОПОВ сурати. (ЎзТАГ).

«ЖАЛЬГИРИС»ДА НИМА ГАП?

Ҳозирча жимлик десак, балки хато бўлар. Чунки Болтиқбўйи жумҳуриятлари командалари ўртасида яқиндагина ўтказилган турнирда вильнюсликлар бор-йўғи учинчи ўринни эгаллашди. Мамлакат олий лигасида яқин йилларда анчагина довруғ қозонган шундай нуфузли команданинг бундай аҳволга тушишининг боиси не дейсизми?

Барибир спорт билан сиёсат ҳеч қачон келиша олмаслигини болтиқбўйилик мухлислар энди тушуниб етишди. Негаки, Литва ҳукумати ССЖИ таркибидан чиқиш, турли хил шартномалар имзолаш билан овора бўлиб ётган бир пайтда жумҳурият спортчилари шўролар иттифоқи клуб ва командалари сафида қатнашишяпти. Ҳатто улар халқаро мусобақаларда ҳам терма командамиз сафида иштирок этмоқдалар. Биргина «Жальгирис»нинг уч футболчиси Москва командаларидан бирида тўп сураяпти. Ҳозир командада олий лигада ўйнаган ўйинчилардан бир нечтасигина қолишди.

Кўпчиликнинг хабари бўлса керак, мамлакат Футбол Федерациясининг бўлиб ўтган пленумида олий лигани тарк этган командалар масаласи ҳақида ҳам гап бўлди. Сўнгги қарор шуки: агар улар ССЖИ чемпионати ўйинларида иштирок этишни истасалар, фақат иккинчи лига мусобақаларидагина қатнашишлари мумкин...

МЕҲР—ШАФҚАТ КУБОГИ» ЯНА «МАТОНАТ»ДА

Тошкентнинг «Матонат» ногиронлар футбол командаси ҳақида рўзномамизда жуда кўп мақолалар берилган. Кечагина яна қувончли хушхабар эшитдик. Бутуниттифоқ турнирида ҳамюртларимиз Шимолий Осетиянинг «Стимул» (Владикавказ») командаси билан куч синашиб 3:2 ҳисобида ғалаба қозониб, кетма-кет иккинчи маротаба «Меҳр-шафқат кубоги»ни қўлга киритдилар.

Энг қувончлиси бу турнирни Шўро ҳакамлари билан ёнма-ён америкалик ҳакамлар ҳам бошқариб бордилар.

ТВ

22 НОЯБРЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Ўзбекистон халқлар тарихи. Ўзбекистон Улуғ Ватан уруши йилларида. 12.00 «Қарғавой», «Нарзанлар водийси». Телефильмлар. 12.30 Ўзбекистон халқлари тарихи. Ўзбекистон Улуғ Ватан уруши йилларида (рус тилида).

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Ёшлик оқшоми». 18.55 «Алифбо сабоқлари...». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.44 Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.00 «Мувозанат». 20.30 «Ахборот». 20.50 Дилрабо концерт. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Оила сирлари». Бадиий фильм. («Тожикфильм»). 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Обуна-91». 20.05 «Сепсиз қиз». Бадиий фильм («Мосфильм»).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Базморо». Савринисо Қурбонова ва Сафрон Егорова. 22.40 «Менинг тақдирим». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Сенинг, шошмай тур!». Мультфильм. 1, 2, 3-сонлари. 9.35 «Клим Самгиннинг ҳаёти». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9-серия. 10.40 Дўстлик меридианлари. Совет греклари маданияти ва санъатининг I Бутуниттифоқ фестивали. 11.40 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 12.40 Климовск шаҳар «Веснянка» дастасининг чиқиши. 12.50 Коллаж. 13.00 «Вақт». 13.40 Хоккей. ССЖИ чемпионати. МАСК — «Динамо» (Рига). 2 ва 3-даврлар.

* * *

16.15 Болалар учун фильм. «Бено билан содир бўлган воқеалар». 2-серия. 17.15 «Тўфонлар пайти». Балиқ овлаш саноати муаммолари ҳақида. 18.15 «Мовий Дунай-90». 19.00 «Вақт». 19.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 20.15 «Космонавт Волковнинг ердаги сўқмоқлари». Ҳужжатли фильм. 20.25 «Клим Самгиннинг ҳаёти». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9-серия. 21.30 «Вақт». 22.00 «Севги ва айрилиқ». Қадимий ва замонавий романслар. 22.45 Степан Эрьзанинг уч орзуси». 23.30 «ТСН».

● МТ II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

9.15, 10.25 Табиатшунослик. 4-синф. Ер хазиналари. 9.55 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Биология. 8-синф. Балиқларнинг кўпайиши ва ривожланиши. 12.00 Илмий-оммабоп фильм.

13.00 «Синган трест». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 14.05 Ритмик гимнастика.

* * *

17.30 «Қорабайир изидан». Телевизион бадиий фильм (Шимолий Осетия телевидение студияси). 18.45 Халқ куйлари. 19.00 «Вақт». 19.30 В. Моцарт. 15-симфония. 19.45 Коллаж. 19.50 Долзарб интервью. 20.00 Ритмик гимнастика 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Солдат ва жодугар». 3-қисм. 20.45 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Сенинг покиза номинг». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Олмаота). 21.15 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Тавба-тазарру». Куйбишев шаҳридан кўрсатилади. 21.45 С. Беликов куйлайди. 22.00 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида.

* * *

24.00 Хоккей. ССЖИ чемпионати. «Крылья Советов» — «Сокол».

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д — 28619.